



# Ashonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2010-yil 23-sentabr № 117 (2842) payshanba

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ САММИТИ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам раис жаноблари!  
Хурматли дўстлар!  
Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, Мингйиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолмоқда.

Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. Бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлмоқда, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса қутилган натижаларни бермаяпти. Муттасил давом этаётган уруш Афғонистон ҳалқининг аҳолини тобора оғирлаштирмоқда ва муаммони ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда.

Ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўллари топиш гоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўллардан бири, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008

йилда таклиф этилган БМТ шафёлигида 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Ташаббусимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмағида ўзлари ҳал этишлари даркор.

Улар сирасига авваламбор, тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиш зарур. 6+3 мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади — бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро мурося асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур кафолатларни беришдан иборат.

Бу борада ушбу Дастурда иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка

қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Афғонистон халқи амал қиладиган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар, ислом динининг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарур.

Шуни таъкидламоқчиманки, бундай мақсадларга эришиш учун ҳозирча Афғонистонда турган тинчликпарвар коалиция кучлари ёрдам бериши мумкин. 2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга жиддий хавф солмоқда. Шу йилнинг апрелида обрў-эътиборини йўқотган президент ҳокимиятининг ағдарилиши, юзага келган кескинлик ва қарама-қаршиликлар, шунингдек, мамлакатда қонуний ҳокимиятнинг заифлиги Қирғизистон жанубида миллатлараро қонли ва шафқатсиз воқеалар юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди, минглаб тинч аҳоли жабр кўрди.

Қирғизларнинг ўзи ҳам, республика жанубида яшаётган кўп сонли ўзбеклар ҳам учинчи кучлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор.

(Давоми 2-бетда)

## ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ПАН ГИ МУН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қароргоҳида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун билан учрашди.

НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябр. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Музокара аввалида мамлакатимиз раҳбари БМТнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди.

— БМТнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларига эътибори кучайиб бормоқда, — деди Ислам Каримов. — Ташкилотнинг минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик ва бошқа таҳдидларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалаларини ҳал қилишдаги ҳамкорлигини юксак қадраймиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан БМТ ҳузуридаги Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Болалар жамғармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби тузилмалар ўртасида яқин алоқалар ўрнатилгани ва бу ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон БМТ билан кўплаб соҳаларда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб келмоқда. Ўзаро муносабатлар кун тартибидан хавфсизлик, экология, иқтисодий ривожланиш, таълим ва соғлиқни сақлаш каби масалалардан ташқари БМТни ислоҳ қилиш, жумладан, унинг органлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари ҳам ўрин олган. Ўзбекистон БМТнинг мамлакатимиздаги тузилмаларини ягона ваколатхонага бирлаштириш тақлифини илгари сурмоқда. Бу Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва фаоллаштириш, ушбу ташкилот тузилмаларининг мамлакатимиздаги саъй-ҳаракатларини янада самарали мувофиқлаштириш имконини берган бўлур эди.

Учрашувда Пан Ги Мун БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини, мамлакатимиз билан муносабатларга ва умуман Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НЬЮ-ЙОРК УЧРАШУВЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 21 сентябр. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

**БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 сентябрь куни БМТ Бош қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Канцлери Ангела Меркель билан учрашди.**

Давлатимиз раҳбари Германия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ҳамкорларидан эканини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Германия билан Ўзбекистон ўртасида мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар йўлга қўйилган. Турли даражадаги кўплаб икки томонлама ташрифлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Германия Ўзбекистоннинг

мамлакатни янада демократлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Икки давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ҳам кенгайтиришга йўналтирилган.

Учрашувда Ангела Меркель Германиянинг тинчликпарвар сиёсати Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланаётгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги кўламини янада кенгайтиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

\*\*\*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу куни БМТ Бош қароргоҳида Белгия**

**Бош вазири Ив Летерм билан учрашди.**

Давлатимиз раҳбари Белгия Ўзбекистоннинг Фарбий Европадаги ишончли ҳамкорларидан эканини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Белгия ўртасида парламентлараро алоқалар фаоллашмоқда, ташқи сиёсат ва муҳофаа маҳкамалари, хавфсизлик органлари, олий таълим муассасаларининг ҳамкорлиги кенгаймоқда.

Бельгия парламенти вакиллари, «Ўзбекистон-Белгия» парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи аъзолари мамлакатимизда ўтказиладиган халқаро анжуманларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Ташқи ишлар вазирликларининг маслаҳатлашувлари чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон ва Белгия минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилаётир. Иқтисодий соҳада Ўзбекистон би-

лан Белгия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий қилинган. Ўзбекистон Белгияга пахта толаси, газлама, ноорганик кимё маҳсулотлари экспорт қилади. Белгиядан мамлакатимизга механик ускуналар, фармацевтика маҳсулотлари, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар, каучук ва резина келтирилади. 1999 йилдан Тошкентда Валлония Экспорт ва хорижий сармоялар бўйича агентлиги (AWEX) ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Фарбий Фландрия Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган. Кейинги йилларда Тошкент ва Брюсселда икки мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш имкониятларига, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига, шаҳарлар инфратузилмасини такомиллаштиришга бағишланган қатор бизнес-форум ва тақдимот маросимлари, ишбилармонларнинг учрашувлари ўтказилди.

(Давоми 3-бетда)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ САММИТИ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Боши 1-бетда)

Узоқни кўзлаб амалга оширилган бу акциядан мақсад мамлакатда нафақат тартибсизлик ва парокандаликни юзга келтириш, балки Ўзбекистонни ушбу ваҳшиёна хунрезликка тортиш, пировард натижада, миллатлараро қарама-қаршиликни икки қўшни мамлакат — Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айлантиришдан иборат эди.

Ута мураккаб ва ўт олиб кетиш хавфи бўлган мазкур вазиятда қабих ният билан ташкил этилган воқеаларнинг ривожланишига йўл қўймаслик биз учун ниҳоятда оғир муаммага айланди. Ўз худудимизда юз мингдан ортиқ қочқинлар, болалар, хотин-қизлар, қарияларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш жуда катта куч, меҳнат ва ресурсларни талаб қилди. Айни пайтда ўта шафқатсиз зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, чегара худудида осойишталикни сақлаш, фавқулодда оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қахру газабни жоловлан, экстремизмнинг шиддатли тус олишининг олдини олиш зарур эди.

Фақат ақл-идрок, оддий ҳақиқатни, яъни ушбу заминда кўп асрлар давомида ўзбеклар ва қирғизлар ёнма-ён яшаб келгани ва бундан буён ҳам уларнинг фарзандлари ҳамда авлодлари кўп асрлар мобайнида бирга яшашини теран англаш бизга ва халқимизга мазкур фожианинг Марказий Осиёда қарама-қаршиликларнинг яқин, кенг қўламли ўчоғига айланиб кетилишининг олдини олишда муҳим омил бўлди.

Албатта, бугун Қирғизистон инсонпарварлик ёрдамига, қўшнилари ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг кўмағига муҳтож.

Бироқ, 11-14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида содир этилган талон-тарошлар, хунрезлик ва зўравонликлар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказиш, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортиш янада муҳим вазифа ҳисобланади.

Ишончим комилки, тахминларга асосланган ҳар қандай фикрлар ва бир

ёқлама ёндашувларни истисно қилувчи ҳолис ва мустақил халқаро текширувларни ўз вақтида ўтказиш, халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги қатъий принципиал позицияси Қирғизистон жанубида қирғизлар ҳамда кам сонли ўзбекларнинг муросага келиши ва тотувлигини таъминлаш учун йўл очиб бериши мумкин. Бундай позициядан ҳар қандай чекиниш Қирғизистон жанубида фожиали воқеаларнинг яна такрорланиши, ўта хавфли кескинлик манбаининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу муносабат билан биз БМТдан фожиали воқеалар юзасидан мустақил халқаро текширувлар ўтказиш борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни кутишга ҳақлимиз. Бу, ўз навбатида, қўшни Қирғизистонда воқеаларнинг яна авж олишининг олдини олиш имконини беради.

Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожиаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди.

Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшашини учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада қарийб барча ҳайвотот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди.

Бугун Орол бўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди. БМТ Бош қотиби жаноб Пан Ги Мун шу йил Орол бўйига ташрифи чоғида бунга ишонч ҳосил қилди. Ва биз бу ташриф учун унга катта миннатдорлик билдирамиз.

Орол денгизининг

қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Орол бўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, Орол бўйи худуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайтириш мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Бундай шароитда 30-40 йил аввал, собиқ совет даврида ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8-9 баллни ташкил этишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади.

Кўплаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар тавсия қилаётганидек, ушбу дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо анча тежаскор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди.

Қуриб бораётган Орол муаммоси — бу ушбу минтақада яшаётган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир.

Жаноб Раис!

Фурсатдан фойдаланиб, Саммит иштирокчиларига Ўзбекистонда Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот бермоқчиман.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида БМТ аъзолари сифидан жой олганига атиги 19 йил бўлди. Илгари ўзининг бир томонлама ривожланган хомашё етиштиришга йўналтирил-

ган иқтисодиёти, ҳалокатли пахта яккахокимлиги авжга чиққан, қоқоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни қўлга киритди ва бунинг натижасида унинг қиёфаси тамомила ўзгарди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ билан таъминлаш 83,5 фоизга етди, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайди. Ушбу даврда, яъни қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди. Бугун мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирларига қарамай, Ўзбекистон дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда, ишончли фаолият кўрсатаётган молия-банк тизимини сақлаб турибди.

Масалан, 2008-2009 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари 9 ва 8,1 фоизни ташкил қилди, жорий йилда бу кўрсаткич 8,5 фоиз даражада бўлиши кутилмоқда. Давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган **мамлакатни демократлаштириш бўйича ўз моделимиз**, иқтисодиётнинг

мафқурадани холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган **ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш** ушбу ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда. Биз, аввал бошдан «шок терапияси» деб аталган усулларни четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солиди, деган ўта жўн ва алдамчи тасавурулардан воз кечдик, «янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тизимдан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни танладик.

Таълим жараёни ва одамлар тафаккурининг юксалиши ушбу барча ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб билади.

Сўзимнинг якунида шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун тақлиф этган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги Тараққиётни жадаллаштиришга оид глобал ҳаракатлар режасини қўллаб-қувватлайди ва уни амалга оширишда фаол иштирок этади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НЬЮ-ЙОРК УЧРАШУВЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Маданият соҳасидаги ҳамкорлик доирасида Бельгияда Самарқанднинг 2750 йиллик, Маргилоннинг 2000 йиллик юбилейларига бағишланган кўргазмалар ташкил қилинди. 1999 йилдан «Ўзбекистон-Белгия» дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. 2004 йилда «Дўстлик» Белгия-Ўзбекистон маданият маркази очилди. Тошкент ва Кортрейк шаҳарлари ўртасидаги шериклик алоқалари фаоллашмоқда. Белгиянинг бу шаҳрида Абу Али ибн Синога хайкал ўрнатилган. Самарқанд ва Леж шаҳарлари ўртасида ҳам шериклик алоқалари ривожланмоқда.

Учрашувда Ив Летерм Белгия Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлаши, ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор билан ёндашишини таъкидлади. Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит бельгиялик ишбилармонларнинг ўзбекистонлик шериклар билан бирга бизнес қилиш иштиёқини кучайтираётганини қайд этди.

Сухбат чоғида Ўзбекистон-Белгия муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

\*\*\*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов БМТ Бош қароргоҳида Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт билан учрашди.**  
Мамлакатимиз раҳбари Ўзбе-

кистон билан Венгрияни ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган давлатлараро муносабатлар, халқларимизнинг маънавий яқинлиги бир-бирига боғлаб туришини, ушбу учрашув икки томонлама ҳамкорликка оид барча долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Мамлакатларимиз сиёсий соҳада икки ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантирмоқда. Ўзбекистон ва Венгриянинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга доир масалаларга, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммоларга қараш ва ёндашувлари ўхшаш ва яқин.

Ўзбекистон ва Венгрия яқин иқтисодий ҳамкорлардир. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга оид муҳим ҳужжатлар имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Венгриянинг Савдони ривожлантириш ва сармоя бўйича агентлиги ҳамда «Eutotek Kft» сармоявий компанияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ишбилармонларнинг бевосита шериклик алоқаларини ривожлантириш мақсадида Тошкент ва Будапештда мунтазам равишда бизнес-форумлар ўтказилмоқда.

Сармоявий ҳамкорлик доира-

сидаги алоқалар ривожига 2009 йилда Ўзбекистон ҳукумати билан Венгриянинг «Omniinvest Development Ltd» компанияси ўртасида имзоланган шартнома яхши мисол бўлади. Молиявий қиймати 100 миллион АҚШ долларидан иборат бу ҳужжат Ўзбекистонда гриппга қарши вакцина ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этишни назарда тутди.

Шунингдек, Венгрия Эқсим-банкни Ўзбекистонга умумий қиймати 50 миллион АҚШ доллари-га тенг кредит ажратишга қарор қилди. Бу маблағ поликлиникаларни тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, шаҳарлар инфратузилмасига энергия тежаш технологияларини жорий этиш, нефтни қайта ишлаш заводларида тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш ва нефть шлами-ни қайта ишлаш технологиясини ўзлаштириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди.

Гуманитар соҳада Ўзбекистон Фанлар академияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Венгриянинг қатор ташкилотлари билан материалшунослик, микроэлектроника, приборсозлик, фармакология каби соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Икки мамлакатда кино кўрсатиш, турли кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Тошкент билан Будапешт шаҳарлари ўртасида шериклик алоқалари ўрнатилган.

Учрашувда Пал Шмитт Венгрия барча соҳаларда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини

таъкидлади.

Сухбат чоғида Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

\*\*\*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 21 сентябр куни АҚШнинг «Boeing» корпорацияси катта вице-президенти Марти Бентротни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари «Boeing» Ўзбекистоннинг авиация ва самолётсозлик соҳасидаги яқин ҳамкорларидан бирига айланганини, ушбу корпорация билан алоқалар ҳаво кемалари етказиб бериш баробарида, парвозлар хавфсизлигини ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, техникавий таъминот ва таъмирлаш, кадрлар тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш каби соҳаларни қамраб олганини таъкидлади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўз самолётлари паркни янгилаш доирасида 1995 йилдан буён «Boeing» билан ҳамкорлик қилиб келади. Шу кунгача миллий авиакомпаниямиз 11 «Boeing» русумли самолётни харид қилган. Шу тариқа қанотиغا Ўзбекистон байроғи туширилган «Boeing» самолётлари дунё мамлакатларига парвоз қилмоқда. Мамлакатимиз учувчилари «Boeing-757-200» ва «Boeing-767-300ER» самолётлари бошқарувини тўлиқ ўзлашти-

ган. «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонасида нафақат Ўзбекистонга қарашли, балки кўплаб бошқа давлатлардаги авиакомпанияларга тегишли шу русумдаги самолётларга техник хизмат кўрсатилмоқда.

«Boeing» билан ҳамкорлик йил сайин ривожланмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан «Boeing» ўртасида имзоланган битимларга кўра, ушбу корпорация 2011-2013 йилларда Ўзбекистонга яна тўртта «Boeing-767-300ER» самолёти етказиб беради. 2016 йилда эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси паркига «Boeing-787-8» русумдаги иккита янги авлод самолёти қўшилади.

Шу билан бирга, учувчи-техник таркиб, техник хизмат кўрсатиш мутахассислари тайёрлаш борасида «Boeing» билан ҳамкорлик изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистонлик учувчи ва техник ходимлар «Boeing» ўқув марказларида малака оширмоқда.

Учрашувда Марти Бентрот самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, «Boeing» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Сухбат чоғида авиация ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябр. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

**БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида қатнашиш учун Нью-Йоркка келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов АҚШнинг «General Motors» корпорацияси раисининг ўринбосари Томас Стивенсни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда автомобилсозлик саноати жадал ривожланаётган соҳалардан бири эканини таъкидлаб, бунда «General Motors» билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини, бугунги учрашув ўзаро алоқаларга оид масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, «General Motors» мамлакатимиз автомобилсозлик саноатига кириб келганидан кейин ўтган қисқа даврда Асакадаги заводда бир неча янги русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарила бошлади. Илгари унинг конвейерларидан Damas, Matiz ва Nexia чиққан бўлса, эндиликда улар қаторига Lacetti, Captiva, Epica ва Tacuma русумли автомобиллар қўшилди. Жорий йилнинг август ойидан эса Spark русумли янги автомобил ишлаб чиқарилмоқда. Завод йилига 50 минг дона шундай автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга. Уларнинг салкам ярмини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

«General Motors» билан ҳамкорлик қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда янги замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан бирга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, экспорт ҳажмини ошириш ва жуғрофиясини кенгайтириш, савдо стратегиясини такомиллаштириш, маркетинг тадқиқотлари ўтказишни ҳам қамраб олади. Шу тариқа Ўзбекистон автосаноати «General Motors»нинг глобал тармоғидаги муҳим бўғинга айланиб, автомобилсоз давлатлар қаторидаги ўрнини

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

мустақамламоқда. «General Motors» билан ҳамкорлик хориждан Ўзбекистон автомобилсозлик саноатидаги янги лойиҳалар, хусусан, маҳаллийлаштиришга оид дастурлар учун сармоя жалб этишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Учрашувда Томас Стивенс самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, «General Motors» Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини ва ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Сухбат чоғида ҳамкорликни кенгайтиришнинг устувор йўналишлари, яқин ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган режалар юзасидан фикр алмашилди.

\*\*\*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов АҚШнинг «Sikorsky Aircraft» компанияси президенти Жеффри Пинони қабул қилди.**

Ушбу компания самолётсозликнинг пешқадамларидан ҳисобланади. Дунёдаги мавжуд вертолётларнинг 90 фоизи шу компаниянинг дастлабки модели асосида ишлаб чиқарилади.

«Sikorsky Aircraft»нинг вертолётлари энгиллиги, кўп вазифаларни бажара олиш қобилияти, парвоз имкониятлари ва юксак рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Ушбу компанияда ишлаб чиқарилган техника кўтариладиган юк вази, тезлик ва бошқарувнинг нисбатан қулайлиги билан халқаро миқёсда кенг эътироф этилган. «Sikorsky Aircraft» маҳсулот ишлаб чиқариш ва халқаро буюртмалар бора-

сида етакчи компания саналади. Кўплаб давлатларнинг тез ёрдам, қутқариш ва қидириш хизматлари шу компания техникасидан фойдаланади. Учрашувда Ж.Пино самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, «Sikorsky Aircraft» Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Сухбат чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

\*\*\*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов АҚШнинг «Honeywell» корпорацияси раиси ва ижрочи директори Дэвид Коутни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШнинг йирик корпорациялари ўртасида ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини қайд этиб, «Honeywell» билан шериклик алоқалари ўрнатиш ва ривожлантириш учун ҳам барча имкониятлар мавжуд эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида ушбу корпорация учун янги бозорлар сари робита бўлиши мумкин. Айни пайтда унинг техника ва технологияларини, сармоясини жалб этиш орқали Ўзбекистонда саноатнинг янги илғор турларини ўзлаштириш имконини беради.

«Honeywell» кўп тармоқли саноат-технология корпорацияси бўлиб, дунёнинг етакчи юзта компанияси сафида туради. У аэрокосмик техника, маъмурий, саноат ва турар-жой биноларини бошқариш технологиялари, автомобилсозлик техникаси, турбокомпрессорлар ва кўплаб турдаги бо-

шқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Самолёт двигателлари ва парвозни бошқариш тизимлари, автоматлаштирилган хавфсизлик тизимлари, буғ қозон, совутиш ускуналари, сув таъминоти тармоқлари, термостат, контроллер каби саноат ва кўплаб маиший техника воситалари мана шу корпорация томонидан ёки унинг технологиялари асосида ишлаб чиқарилади.

Корпорация фаолиятининг кўлами жуда катта. Кўплаб мамлакатлардаги йирик нефтни қайта ишлаш заводлари «Honeywell»нинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлайди. Йирик музей, галерея ва театр биноларида, парламент бинолари ва ҳукумат уйларида «Honeywell»нинг хавфсизлик тизимлари ўрнатилган. Корпорация хизматлари ва маҳсулотларининг юқори сифати бутун дунёда эътироф этилади. «Honeywell» «маҳсулотлар диапазони энг катта бўлган компания» мақомини ҳам олган.

Биргина автомобилсозлик саноати мисолида оладиган бўлсак, «Honeywell» билан ҳамкорлик турли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш орқали ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва жадаллаштириш, автомобилларда ёқилғи тежамкорлигини ошириш, филтрлар, свечалар, антифризларнинг яроқлилиқ муддатини узайтириш имконини беради. Учрашувда Дэвид Коут Ўзбекистон юксак интеллектуал салоҳиятга, бой ишлаб чиқариш ресурсларига эга давлат эканини, «Honeywell» раҳбарияти мамлакатимиз билан ҳамкорлик истиқболга қатъий ишонч билан қарашини таъкидлади.

Сухбат чоғида «Honeywell» билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш масалалари, қўшма сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби икки томонлама фойдала бўладиган устувор йўналишлар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

**Бугун пахтакорлари-мизнинг фикру ёдида бир ўй: «Ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, тезроқ йиғиб-териб олсагу, юзимиз ёруғ бўлса». Уларнинг юрагидаги эзгу ният бизнинг ҳам қалбимизга кўчади: хирмонингизга барака берсин!**

**Дехқон кўнглидек оппоқ, беғубор ва бебаҳо миллий бойлигимиз хирмони кундан-кунга юксалиб бормоқда. Биргина Тошкент вилояти мисолида оладиган бўлсақ, бу борада кўпгина амалий ишлар йўлга қўйилган.**



# Хирмонингга барака, элим

Тошкент вилоят касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан вилоятда 2010 йилги пахта ҳосилини қисқа муддатларда, нест-нобуд қилмасдан ушқоқлик билан йиғштириб олиш, ҳосилнинг ўз вақтида териб олинишида барча давлат ва жамоат ташкилотлари қатори касаб уюшмалари иштирокини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, вилоят ҳокимининг 2010 йил 11 сентябрдаги фармойиши ҳамда ЎзКУФК раёсатининг 2010 йил 9 сентябрдаги қарорига асосан вилоят касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсати пахта мавсуми ва ғалла экиш ишларини назорат қилиш бўйича Янгийўл туманига бириктирилган.

Тармоқ касаб уюшма вилоят кенгаши ва вакилликлар ўзларига бириктирилган

худудларда йиғим-теримнинг бориши, теримчиларга қулай шароит яратилиши, сифатли озиқ-овқатлар билан таъминланиши, меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича жамоат назоратини ўрнатиш билан биргаликда моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида совғалар ажратилган.

Янгийўл тумани бўйлаб сафар қилар эканмиз, ҳашарчилар билан учрашиб, кўрсатилаётган эътибордан мамнун эканликларига гувоҳ бўлдик.

Икки томонида тераклар қад ростлаган «Маҳмудов Ўткир» фермер хўжалигига кириб борар эканмиз, Агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси вилоят кенгаши раиси Бахтиёр Холмуродов гап қотиб қолди: «Кўрдингизми, қандай баҳаво жойлар, ҳавасингиз келади».

Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳашарчилари

учун яратилган қулай шароит, тоза ва озода хоналарни бирма-бир айланиб чиқар эканман, ҳавасим келди. Ўтин ёқиб овқат пиширишаётганини айтмаса, баайни меҳмонхона.

— 13 сентябрдан ҳашарга чиқдик, — дейди Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси ходими Ҳилола Жўрабоева. — Шароитлар кўнгилдагидек. Ташкилотчилардан миннатдоримиз. Бир кунда 100-120 кг.гача пахта терадиган илғор ходимларимиз Тошкент вилоят касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва унга аъзо ташкилотлар томонидан телевизор, гилам, дазмол, термос, гулдон, электр чойнак, мантиқозон каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишмоқда.

Меҳнат қилсанг, роҳатини кўрасан, дегани шу-да. Аввал ҳам теримчилар учун шундай

шароит ва рағбатлар бўлганмикин, деган ўйни хаёлдан ўтказаман.

Келтирилган совғаларни ўз эгаларига топшириш мақсадида пахта даласи томон ошқидик.

— 49 гектар пахта майдонимиз бор, ҳозирда 27 гектар жойнинг пахтаси териб олинди, — дея гап бошлади ўзини «Маҳмудов Ўткир» фермер хўжалиги иш юритувчиси деб таништирган Алимхон Бектаев. — Ҳашарчиларга иш ҳақини уч кунлик қилиб бермоқдамиз. Ҳар куни 7 тоннадан ошқроқ оқ олтинни Янгийўл пахта заводига териб топшираёғимиз.

«Садир Муҳиддин» фермер

тишни мўлжаллаб турибмиз, — дея маълумот берди хўжалик раҳбари Муҳиддин Нажимов.

— Ушбу туманда 15700 тонна пахта терилиши кўзда тутилган. Шу кунга қадар 2874 тонна ҳосил давлат хирмони-га топширилди, — дейди Тошкент вилоят касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Шухрат Дехқонов. — Вилоят касаб уюшма ташкилотлари томонидан Янгийўл туманидаги илғор теримчиларни моддий рағбатлантириш мақсадида 18 миллиондан зиёд маблағ сарфланиши кўзда тутилган. 17-20 сентябр кунларида 199 нафар илғор теримчига 5 млн. 400



хўжалиги пайкалларидаги теримчилар навбатдаги суҳбатдошларимиз бўлишди.

— 133 тонна пахта топширишимиз керак. Бир ҳафта ичида биринчи теримни туга-

минг сўмлик совға-салом улашдик. Эзгу ишларимиз мавсум бўйи давом этади.

**Назира БОЙМУРОДОВА.**  
Муаллиф олган суратлар

## Қарор ва ижро

## Янги иш ўринлари

### аҳоли даромадларининг ошишига хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Пахтаобод туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг маълум қилишича, жорий йилнинг 6 ойи давомида 2871 та янги иш ўрни яратилган.

Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш йўналишида 778 та, хусусан, Пахтаобод шаҳридаги «Баркамол Бунёдкор» МЧЖ қурилиш корхонасида 64 та, «Ҳадичабегим сервис» хусусий корхонасида 6 та, «Ихтисослашган қурувчи Абдулла» МЧЖда 4 та муқим иш ўрни вужудга келди.

— Дастурдаги 8 та йўналиш бўйича иш ўринлари ташкил қилинди, — дейди марказ раҳбари Равшанбек Дармонов. — Бунда туман ҳокимлиги ва прокуратура билан ҳамкорликда ўтказилган «Бўш иш ўринлари» ярмаркалари жуда қўл келди.

Шунингдек, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик йўналишларида ҳам 463 та янги иш ўрни пайдо бўлди. Тумандаги кўп тармоқли «Равшан Бекмирза» фермер хўжалигида 70 нафар фуқаро ишга қабул қилинди. Улар билан шартнома тuzилиб, меҳнат дафтарчалари очилди.

**Абдулхай ЮНУСОВ,**  
«Ishonch» мухбири

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

# Талабалар рағбатлантирилди

**2-Республика тиббиёт коллежида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган тадбир иқтидорли талабаларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришга қаратилди. Унда талабалар, бошланғич касаб уюшма кўмитаси раислари, шаҳар ҳокимияти маънавият тарғибот бўлимида вакиллар иштирок этди.**

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Г.Исломова кенгашнинг махсус стипендиясини

қўлга киритган Тошкент тиббиёт академияси талабаси Ф.Усмонов ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси Г.Пир-

назаровага тегишли гувоҳномаларни топширди. Шунингдек, 2-Республика тиббиёт коллежининг фаол талабаларига мод-

дий ёрдам кўрсатилди.

Тадбирдан сўнг анжуман қатнашчилари коллежнинг маънавият-маърифат хонаси, кутубхона, профилакторий, талабалар турар-жойи, спорт комплекси билан танишишди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**  
«Ishonch» мухбири

Тадбир

## Намунали бошланғич ташкилот

**Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» анъанавий кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Унда туман ва шаҳар босқичларида голиб деб топилган ўттиз нафардан ортиқ аъзолари бўлган бошланғич касаб уюшма ташкилотларидан 25 та жамоа вакиллари иштирок этди. Кўрик-танловда Зафаробод туманидаги «Мунис» мактабга таълим муассасаси, Пахтакор туманидаги 12-мактаб голиб деб топилди, республика босқичига йўлланма олди.

— Қатор йиллардан буён ўтказиб

келинаётган бу кўрик-танлов бошланғичлар фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли, — дейди вилоят тармоқ касаб уюшма кенгаши раисининг ўринбосари М.Дўстов. — Шу боисдан ҳам иштирокчилар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**  
«Ishonch» мухбири

**Ўқув** ЎзКУФК Ўқув маркази-да Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаб уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан бошланғичларга янги сайланган касабкўмларнинг билим ва тажрибаларини ошириш мақсадида бир ҳафталик ўқув курси ташкил этилди.

## ТАЖРИБА оммалаштирилди

Ўқув якунида касабкўм раислари «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» касаб уюшма кўмитасининг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шу ернинг ўзида ташкил этилган тадбир, айниқса, барча учун самарали кечди. Ишни ташкил этиш, тармоқнинг VI Қурултоида белгилаб олинган вазифалар бўйича берилган тавсия ва йўл-йўриқлар фаолиятда асқотиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз

1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

## Салби момонинг шогирдлари

Бу даврада турли ёшдаги кишилар бор эди. Кимдир кексайиб, ҳассага таянган, кимнингдир соч-соқолига оқ оралаган, яна бири эса эндигина ўттизинг чегарасига қадам босган.

Одатда кўпчилик йиғилган жойда гурунг мавзуи кенг бўлсада, ундан биринчи ўқитувчи ҳақидаги хотиралар, албатта, жой олади.

— Мени раҳматли Салби домла ўқитган, — деди давранинг ёшуллиси. — Жуда ажойиб аёл эди, киз боши билан ўн тўрт ёшидан ўқитувчилик қилганлар. Болаларни мактабга қизиқтириш учун камзулининг чўнтагидан ширинлик улашиб чиқардилар. Аълочиларнинг насибаси бошқалардан кўпроқ бўларди.

— Ўзиям Салби домла камида қирқ-элликта синфни биринчига қабул қилиб олгандирлар. Ахир умрининг олтмиш йилини мактабга сарфлаган. Шу даражага етганим учун домладан миннатдорман, — уни маъқуллади бошқаси.

Даврадаги ўттизга яқин одамнинг даярли барчаси биринчи муаллим сифатида Салби момони эътироф этди. Қизиқ, бугун эллиқдан ошган — мени ҳам шу киши кўлимга қороз-қалам ушлатиб, илм дунёсига етаклаб

қирганлар. Эсимда, биринчига борганимда опа-акаларим:

— Устози аёл киши бўлса, бундан нима чиқарди? — деб қитиқ-патимга тегишарди.

Аммо гап-гурунглирдан англандимки, биргина мен эмас, оиламиздаги мендан ёши катта тўрт ўғил, бир қизнинг ҳаммаси Салби момодан сабоқ олишган экан.

Эсимда, муаллимамиз билиб-билмай ноҳўя ҳаракат қилиб кўйсақ; бошқаларга қараганда аълочиларни қаттиқроқ тергарди. У киши билимдонларимизни ўзига хос тарзда рағбатлантириб, ишқмаслик қилиб, дарсларга бўш тайёргарлик кўрганимизни гап билан изза қиларди. Муаллимамизнинг биргина дашномини эшитган ўқувчи эртасига тубдан ўзгарар, тун билан мишжа қоқмай чиқса ҳам дарсларга бурро-бурро жавоб берадиган бўлиб келарди:

— Мана, ўқиса бўларкан-ку, илм дунёси ҳеч кимга панд бермаган. Ахир алломаларимиз «Илм ўрган, илмда кўп сир, ёпиқ

эшикларни очар бирма-бир», деб бежизга айтишмаган.

Мен синфнинг аълочиларидан эдим, ҳали ўтилмаган мавзуларни ҳам ўрганиб келиб, домлани хайратлантиришга уринардим.

— Бу мавзуни ўрганиб келганинг яхши, аммо бироз шошилима, ҳаммасининг ўз ўрни бор, илм дунёсига сакраб-сакраб кирилмайди, — дерди у.

Бир гал синфдошларимдан бири танаффус чоғида мактабдан унча узоқ бўлмаган уйига бирга бориб келишимни сўраганида рад этолмадим. Шунинг учун навбатдаги дарсга бироз кечикиб келдим. Уч киши эдик, ўқитувчимиз ҳар биримизни синчков нигоҳдан ўтказди, сўнгра менга қараб:

— Хўш, сенга нима бўлди, нега кечикиб қолдинг?

Пастга қараб нималарнидир мингирладим. Бошда меҳр билан гапирган ўқитувчимизнинг кўзларида ногоҳ қаҳр учкунларини илғадим, кўлидаги толхивич билан юмшоқ жойимга туширди, гўё калтагида ҳам меҳр

бордек эди:

— Бу — ёлгон гапиришга уринганинг учун. Бошинга қилич келса ҳам ўтрик сўзлама, бор жойинга ўтир.

Ушанда ўқитувчимдан бироз кўнглим қолганди, «нега мени, бошқаларни эмас?» деган савол ўрмалаганди ботинимда. Орадан йиллар ўтди, домла билан ҳамкасб бўлиб ишлаш ҳам, у кишига раҳбарлик қилиш ҳам насиб этди менга.

— Энди олдинги ғужурим йўқ, чарчабман, менга жавоб берсанг, қариллик гаштини суриб уйда ўтирсам, — деди домла бир кун.

— Уйда ўтириб қолсангиз қарийсиз, домла, кучингиз етганича дарс олиб, мактабга қатнаб туринг.

Билмадим, домла мени аяди-ми, сўзимнинг сазасини синдиргиси келмадими, нафақага чиқиб кетиш шаштидан қайтди. Бу вақтга келиб домла етмишдан ошган, кўзлари хира тортиб қолганди. Шунга қарамасдан, кўзойнак тақиб, тинимсиз китоб

титкилардилар, биронтамизнинг кўлимиздаги янги китобга кўзи тушиб қолса, албатта олиб муталаа қилардилар:

— Илм ва китоб эгизак тушунча, қанча кўп ўқилса, шунча кўп англанади, — дерди у киши «кекса одамга китоб ўқиш нега керак» қабилида хайрон қолганимизни кўриб.

Бу одати билан гўёки бизга «илмнинг сўнги йўқ»лигидан сабоқ бергандек бўларди.

Устоз вафот этганида, кишлоғимиз бир маънавий устунидан ажралганини ҳис қилдим. Ёши Салби момодан анча катталар ҳам у киши ҳақида:

— Жойи жаннатда бўлгур, бизга алифбони ўргатганди, — деб бир-бирларига шивирлашарди...

Бунга ҳам қарийб ўн йил тўлаяпти. Аммо у киши билан боғлиқ ширин хотиралар давраларда ҳамон эскирмаяпти. Муаллимамнинг ҳаёт йўлидан англаганим: билим — баҳоси йўқ бойлик экан, олинадиган ва бериладиган бойлик. Унга ўзингдан бошқа ҳеч ким эғалик қилолмас, фақат амал қилинмаган, ўзгалардан қизғониладиган илм шамолга совирилган хасдек бўларкан.

Абдунаби АБДИЕВ

## ЭЪЗОЗ

Баркамол авлод йили муносабати билан барча ташкилот ва муассасаларда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бирлашган кўмитамиз томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож педагог-ҳодимларни қўллаб-қувватлаш бўйича тузилган манзилли дастурга кўра, уларнинг 150 нафарига ёрдам кўрсатиб келинапти.

Ёзги соғломлаштириш мавсумида 228 нафар педагог-ҳодим фарзандлари Шахрисабздаги В.Бердиев ва Й.Охунбобоев номидаги болалар оромгоҳларида дам олдирилди. Йўлланмаларнинг тўлиқ қиймати иш берувчиларнинг сармоядан ташқари топилган маблағи ҳисобидан қопланди. Мустақилликнинг 19 йиллиги муносабати билан 36 нафар кам таъминланган педагог-ҳодимга озиқ-овқат маҳсулотлари, 80 нафар ўқувчига ўқув қуроллари олиб берилди.

Касаба уюшмалари спортнинг оммавийлигини оширишда ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб келмоқда. Бирлашган кўмитамиз томонидан ўндан ортиқ таълим муассасаларига спорт жиҳозлари олиб берилди.

Ёшларнинг жисмонан ва маънан баркамол, билимли бўлиб вояга етиши йўлида самарали меҳнат қилаётган фидойи устозларга ғамхўрлик бевосита келажакка эътибор ҳамдир.

Саъдулла АБДУЛЛАЕВ,  
Таълим ва фан ходимлари  
касаба уюшмаси  
Шахрисабз туман бирлашган кўмитаси раиси



Ҳамза туманидаги 156-умумтаълим мактабида 570 нафар ўқувчининг илм сирларини пухта эгаллаб, келажакда мустақил юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўйишлари учун 38 нафар ўқитувчи фидойилик билан меҳнат қилиб келаятир. Таълим масканида болаларнинг замонавий билим олишлари учун барча шароитлар мавжуд.

Суратда: Мактаб раҳбари Дилфуза Бурхонова ўқувчилар даврасида

## Маънавий юксалиш йўлида

Тарихий обидалар билан яқиндан танишиш, улғў аجدодларимиз қолдирган бой маданий меросга алоқадорлик кишида ўзи яшаётган мамлакат билан фахрланиш ҳиссини уйғотиши табиий. Шунинг назарда тутиб, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бундан икки йил муқаддам ишчи-хизматчиларни ҳамда ёшларни республикамизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойларига бепул саёҳатларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганди.

Мазкур ҳужжат ҳаётда тўлақонли равишда ўз аксини топапти. Айни вақтда пойтахт корхоналари, ташкилот ҳамда муассасаларининг ишчи-хизматчилари, талаба ёшларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳатини уюштириш аънамага айланди.

Жорий йилда 2890 нафар

кишининг саёҳатини ташкиллаштириш режалаштирилган эди. Шу кунгача уларнинг 2700 нафари ҳамшиша навқирон ҳамда қадимий шаҳардан олам-олам таассурот олиб қайтишди.

Бу айниқса, таълим ва фан ходимлари, соғлиқни сақлаш, савдо, тадбиркорлар ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари

касаба уюшма кенгашларида яхши йўлга қўйилганлигини эътироф этишга тўғри келади.

Саодат Ҳамидова, «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамияти маданият саройи ходими:

— Ташкилотчиларга миннатдорчилигимни билдираман. Дунё аҳли нигоҳида бўлган,

хорижлик меҳмонларни ҳам хайратлантириб келаятган Самарқанд шаҳри кишига маънавий озуқа беришини тушуниб етдим.

Сурайё Тошматова, Мустақиллик майдонини ободонлаштириш Департаменти касаба уюшма кўмитаси раиси:

— Табарруқ масканларни зиёрат қилдик, бундай иморатларни яратган инсонларнинг авлодлари эканлигимиздан фахр туйдим.

Жаҳонгир Турдиев, касаба уюшма ходими:

— Сафаримиз Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш билан бошланди. Регистон майдонидаги Улғўбек, Шердор, Тиллақори мадрасалари олам-олам завқшавқ бахш этди.

Неъмат РАФИҚОВ,  
«Ishonch» муҳбири

## Сўраган экансиз

## Савол:

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПК-1252-сон қарорига мувофиқ Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва тиббий-меҳнат экспертиза хизмати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тузилмасига берилди. Шу муносабат билан тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси вазифаларида ҳамда кадрлар тайинлаш ва бошқа масалаларда қандай ташкилий ўзгаришлар рўй берди?

## Жавоб:

Д.Давронов, Қарши шаҳри

Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати фаолиятини ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қуйидагилар Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

хаёт фаолияти чекланганлигини экспертизадан ўтказиш, ногиронлик гуруҳини, сабаблари, бошланган вақти ва муддатларини аниқлаш бўйича тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (кейинги ўринларда ТМЭК деб юритилади) фаолиятига раҳбарлик қилиш;

экспертлар натижаларини, даволаш-профилактика муассасалари томонидан тақдим этилган тиббий ҳуж-

жатларни ва фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш натижаларини доимий ўрганиш асосида ногиронликнинг ҳолатини, унинг ўзгаришини ва унга сабаб бўлган омилларни тизимли таҳлил қилиш;

ногиронлик профилактикаси соҳасида комплекс дастурларни ишлаб чиқишда, ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишда қатнашиш;

ТМЭК врач-экспертлари лавозимига танлаш ва тавсия қилиш бўйича Малака комиссияси фаолиятини ташкил этиш, ТМЭК мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалалари-

да идоровий мансуб ТМЭК-га методик ёрдам кўрсатиш.

Белгиландики, давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ходимларига жорий этилади.

Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан лавозимга тайинланади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари раислари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан

ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи директори тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг қарори билан тайинланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси тузилмасида 3 нафар ходимдан иборат бўлган ТМЭК хизмати фаолиятини назорат қилиш бўлими ташкил этиш, тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сонини кўпайтириш кўзда тутилди.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари хизмати фаолиятини назорат қилиш бўлимига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассисларини жалб этган ҳолда тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятини доимий назорат қилиб бориш, ўтказилган текширишларнинг тўғрилиги ва асосланганлигини, шу жумладан, даволаш-профилактика муассасаларидан тақдим этилган бошланғич тиббий ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ишончилигини ўрганиш йўли билан текширишларни амалга ошириш вазифалари юкланди.

## Савол:

1. Педагог ходимларнинг меҳнат таътилига пул ҳисобланганда, у ўқитган режадан ташқари соатлари, олган моддий ёрдами ва вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик даврида олган нафақа пули эътиборга олинмайдими?

2. Нафақадаги ногирон ва педагог ходимларга қанча ўқув соати бериш мумкин?

## Жавоб:

Р. САБУРОВ, Тўртқўл индустриал педагогика касб-хунар коллежи қасаба уюшма ташкилотни раиси

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида тасдиқланган, Молия вазирлиги билан келишилган «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари педагоглари иш ҳақини ҳисоблаш ва тарификациялаш тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатмани тасдиқлаш тўғрисида»ги қўшма қарори билан тасдиқланган услубий қўлланманинг 7-бандига асосан педагоглар билан ўтса, у ҳолда:

— ўқитувчи ўқитган режадан таш-

қари (замещение) соатлари учун меҳнат таътили пули ҳисобланади; агарда ушбу соатларни соатбай асосида ўқитса, у ҳолда:

Адлия вазирлигида 2010 йил 17 майда 2103-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қўшма қарорига асосан меҳнат таътили пули ҳисобланмайди, чунки соатбай тўлов миқдорининг таркибида меҳнат таътили пули киритилган.

Олган моддий ёрдами ва вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик даври-

да олган нафақа пули меҳнат таътили пулини ҳисоблаш жараёнида эътиборга олинмайди.

2. Нафақадаги ногирон ва педагог ходимларга Адлия вазирлигида 1995 йил 20 декабрда 198-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ишловчи нафақахўрларга нафақа тўлаш тартиби»дан келиб чиққан ҳолда ҳамда юқоридаги номлари келтирилган меъёрий ҳужжатлар асосида соатбай асосда энг кўп 360 соатга ўқув соати белгиланган мумкин.

А.Жўраев,

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи

## Мониторинг Терминаллар фаолияти назоратда

Бугунги кунда нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг банк пластик картчалари орқали харид имкониятларини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти солиқ идоралари томонидан бу йўналишда муайян чора-тадбирлар кўриляптир.

Вилоят ҳудудида жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳисобкитоб терминаллари билан жиҳозланиши юзасидан доимий мониторинг тадбирлари ўтказиш йўлга қўйилди. Бугунги кунга келиб вилоят ҳудудида 5200 дан зиёд шохобча терминал аппарати билан жиҳозланган. Бу борада сусткашликка йўл қўйиб, пластик картчалардан тўловларни қабул қилишда ноқулайликлар келиб чиқишига сабаб бўлган 112 ҳолатда маҳаллий ҳокимлик ва банк идораларига тақдимнома киритилган.

Давлат солиқ бошқармаси томонидан савдо ва хизмат кўрсатувчи объектларда терминалдан фойдаланиш қоидаларга амал қилиш, ҳукумат қарорлари билан белгиланган тартибларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Жойларда хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари билан учрашув-семинарлар ташкил этиш одат тусига кирган.

Бундан ташқари, солиқ инспекциялари томонидан ҳукумат қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда терминал ўрнатилган объектларда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар учун тўловларнинг пластик картчалар орқали қабул қилиниши, хизматлар тўла ва тўғри олиб борилишининг қонунийлиги устидан доимий назорат ишлари олиб борилмоқда.

Мисол учун, Ўртачирчиқ туманида ХТ «М.Мирзавалиев»га қарашли дўконда қисқа муддатли текшириш ўтказилганда хусусий тадбиркор харидорга хариди учун 20 минг сўмга пластик картчадан савдо қилишни асоссиз рад этган. Бу эса хусусий тадбиркорнинг 3 млн. 768 минг сўм молиявий ва 1млн. 884 минг сўм маъмурий жарима тўлашига олиб келди.

Санжар ҚУРБОНМУРОДОВ,  
ДСБ Ахборот хизмати  
бош мутахассиси

## Яширин цех

Мустақиллик даврида амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг зарур қаролатлари белгилаб берилди. Шунга қарамасдан айрим фуқаролар томонидан ноқонуний равишда яширин цехлар ташкил қилинмоқда. Бу борада Департаментнинг Ўртачирчиқ тумани бўлими ходимлари томонидан олиб борилаётган тадбирлар натижасида ана шундай қонунбузилишларга чек қўйилмоқда.

Жумладан, фуқаро А.Исоқов ўз уйида яширин цех ташкил қилиб, 13 000 кг. уруғлик чигитини 4 290 000 сўмга сотиб олади. Ўзбошимчалик билан электр тармоғига уланиб, қўлбола мойжувоз аппаратида пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқариб, сотиш билан шуғулланиб келаётгани аниқланди. Тадбир якунида А. Исоқовнинг хонадонидан 6 605 974 сўмлик 172 литр пахта ёғи, мойжувоз 7102 кг. уруғлик пахта чигити ва бошқа маҳсу-

лотлар далилий ашё сифатида олинди. Туман электр тармоқлари мутахассисларининг ҳулосасига кўра, фуқаро А.Исоқов электр тармоқларига ноқонуний уланиши оқибатида корхонага 6 130 598 сўм зарар етказгани маълум бўлган. Шунингдек, мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган терговолди текширувида маълум бўлдики, «Т81 Карасу пахта» қўшма корхонаси мансабдор шахслари ўз мансаб ваколатларини суистеъмол

қилиб, ўзларининг моддий жавобгарлигидаги 66 034 434 сўмлик 83,6 тонна уруғлик чигитини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилишган. Яъни 2008 йил 29 июл куни 83,6 тонна уруғлик чигитларни экишга яроқсизлиги сабабли ёқиб йўқ қилиниши ҳақида сохта далолатнома тузишиб, 2010 йил 6 апрелда чигитлардан 13 тоннасини Аббос исмли шахс орқали фуқаро А.Исоқовга 4 290 000 сўмга сотишади.

А.Исоқовга нисбатан жиноят иши кўзғатилган.

А.МУТАЛОВ,  
Бош прокуратура  
ҳузуридаги  
СВОЖДЛҚК  
Департаментининг  
Тошкент вилояти  
Ўртачирчиқ туман  
бўлими катта инспектори

Тадбиркор имтиёз, эркинлик ва ҳуқуқларга эгаллиги баробарида, қонунда белгиланган мажбуриятларни ҳам бажариши зарур. Афсус, бунга амал қилмаётганлар ҳам учрамоқда. Департаментнинг Ўртачирчиқ туман бўлими ва туман ДСИ ходимлари ҳамкорликда фуқаролар томонидан қонунга хилоф равишда яширин цехлар ташкил қилиш ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш мақсадида тадбир ўтказишди.


## Қонунга хилоф равишда

Унда туманнинг Қумовул ҚФЙда яшовчи фуқаро Толиб Маилов ўз уйида яширин цех ташкил қилиб, ноқонуний равишда пул йиғиш сувенири (копилка) ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланиб келаётгани аниқланди. Унинг уйдан ҳар хил турдаги 58 дона тайёр ва 10 дона ярим тайёр сувенир ўйинчоқлар ҳамда қолип далилий ашё сифатида олинган. Толиб Маилов қилмишига яраша жазоланди.

Ачинарлиси, бундай қонунбузарликлар туфайли жазоланишларига қарамасдан яна ушбу фаолият билан шуғулланиб келаётганлар ҳам учрамоқда. Жумладан, фуқаро Лаззат Турғунова муқаддам содир қилган жинояти учун 2 марта судланганига қарамасдан,

ўз уйида қўлбола усулда ароқ ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланиб, харидор М.Эгамбердиевага 150 шиша ароқни 300.000 сўмга сотгани аниқланди. Унинг уйдан 150 шиша қўлбола усулда тайёрланган ароқ, 24 та бўш шиша, 61 та елим қопқоқ, 9 та темир қопқоқ, 20 литр сифимдаги елим идиш, ароқ қуйиш мосламаси далилий ашё сифатида олинган. Л.Турғуновага нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Х.НАЗАРОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖДЛҚК Департаментининг  
Тошкент вилояти  
Ўртачирчиқ туман бўлими  
катта суриштирувчиси



Ўтган асрнинг сўнги чорагида улкан илмий-технологик тараққиётга асос солинди. Шунинг натижаси ўлароқ ҳозирги вақтда саноат корхоналарида юз минглаб роботлар ишламоқда: кўплаб соҳалар автоматлаштирилган; биотехнология фани кашфиётлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида туб бурилиш ясаши кутилмоқда; ген муҳандислиги борасида эришилган ютуқлар туфайли миллион-миллион инсонлар ҳаётига зомин бўлган ирсий касалликларни бартараф этиш имконияти туғилмоқда.

Ҳолбуки, бундан атиги чорак аср илгари «компютер» атамаси кўпчиликка номалум эди. Бугунги кунда эса компютер технологиялари ва телекоммуникация тармоқлари соҳасида эришилган муваффақиятлардан инсон ақли шошади. Мисол учун, 70-йилларнинг бошида ИНТЕЛСАТ йўлдош алоқа тизими Атлантика ортидан атиги 240 та телефон сўзлашувини қабул қилган бўлса, бугун бу кўрсаткич бир неча юз мингдан ошиб кетди. Биргина СВИРТ халқаро молия тизими 200 минг компютер орқали 50 мамлакатнинг 2000 банкини боғлаб тургани ҳар қандай одамни ҳайратлантириши табиий. Дунёни тўр сингари ўраб олган ИНТЕРНЕТ тизими ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бу тизим воситасида дунёнинг исталган нуқтаси билан боғланиш, керакли маълумотларни олиш, зарур одамлар билан мулоқот қилиш мумкин. Бундай тараққиётни 40-50 йил олдин тасаввур қилиб бўлмасди. Шу боис бугунги ёшлардан ота-бобоси яшаган давр ҳақида сўрасангиз, аксарияти «тош даври-ку!» деб кўя қолади.

# «Бу — ўйин, ҳаёт эмас»

Бугун компютери бўла туриб, унда бирор марта ҳам ўйин ўйнамаган одамни топиш қийин. Катта авлод вакиллари компютер ўйинларини фақат зўравонлик, тажовузкорлик ва ахлоқсизликни тарғиб этувчи восита сифатида тасаввур қилади. Бироқ бугун миллионлаб фуқаролар бундай ўйинларнинг янгидан-янги турларини кашф этиб, виртуал рақибларини яқсон этишда давом этмоқда.

Компютер ўйинларининг бир неча тури мавжуд бўлиб, уларга мантиқий, бошқотирмали, в.х. кабилар кирди. Ўйин тури ва жанрининг кўплигидан улар ҳақида битта мақоланинг ўзида айтиб ўтиш қийин.

Шундай қилиб, компютер ўйинлари бу — спорт, санъат ва маданият соҳаси, ҳатто юксак идрок эгаси бўлган рақиб ҳамдир.

Сўнги пайтларда ОАВда компютер ўйинларининг зарари, бундай ўйинларнинг инсон руҳиятига таъсири ҳақида кўплаб чиқишлар кузатилмоқда.

Бироқ танганинг икки томони бўлганидек, компютернинг фойдали томонлари ҳақида ҳам соатлаб гапириш мумкин. Ахир ошхона пичоғида олмани арчиш билан бир вақтда кимнидир жароҳатлаш ҳам мумкин. Бироқ шу чоққача ҳеч ким пичоқдан фойдаланишни тақиқлаб қўйгани йўқ. Гап буюмларда эмас, уларнинг ким томонидан ва қандай мақсадда фойдаланишда эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Айтайлик, шундай компютер ўйинлари борки, хотирани мустаҳкамлашга, ақлий қобилиятнинг ўсишига, тасаввурнинг кенгайишига, мантиқан фикрлашга ёрдам беради.

Яқинда матбуотда Республика таълим маркази томонидан сўнги йилларда 12 номда электрон ўйин ишлаб чиқилгани ҳақидаги хабарга кўзимиз тушди. Ушбу ўйинлар, асосан, умумтаълим мактабларининг ўқувчилари учун тайёрланган бўлса-да, мактабгача таълим муассасаларининг тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари, бошланғич синф ўқувчилари ҳамда компютер саводхонлигини оширишни истовчи ёшлар ҳам фойдаланиши мумкин экан. Улар орасида «Алжабр», «Узоқ саёҳат», «Сўз ўйини»,

«Хотирангни синаб кўр» каби ўйинлар ҳамда клавиатура тренажёрини алоҳида таъкидлаш лозим. Бўлар экан-ку, деган ўй ўтди кўнглимиздан. Аслида, ҳам эзгулик ва инсонпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга мос, ёшларни мантиқий мушоҳада юритишга, компютер орқали билимлар оламнинг турфа сирларини ўрганишга чорловчи электрон ўйинларни яратиш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Энди, бугунги ёшларимиз орасида оммалашган, вайронкор гоёларни ўзида мужассам этган ўйинлар ҳақида. Энг зарарли ўйин, албатта, «Counter Strike» ҳисобланади. Бутун дунё бўйлаб миллионлаб ўсмирлар унга суткалаб вақтини сарфлайди ва бу ҳар доим ҳам «шунчаки» ўйналмайди. Айримлар бу ўйин бўйича ўтказилган турнирларда голиб бўлиб, яхшигина пул ҳам ютишади. Аммо бошқа миллионлаб қатнашчилар нафақат пуллари, балки вақт ва ёшликларини ҳам ютқазаётганларини ўйлаб ҳам кўришмайди.

Автопойгалар, «FIFA», «NBA Live» каби спорт мавзусига доир ўйинлар кўпчиликка таниш. Яна хоккей, бейсбол ва бошқа турли-туман спорт ўйинлари ҳам мавжуд. Улар руҳий таъсир жиҳатидан бетараф — зарар келтирмайди, лекин улардан фойда ҳам йўқ, фақат бекорга вақт сарфлангани қолади.

Ҳозирги кунда кўплаб ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини классификациялашга қанчалик уринишмасин, аксарият болалар ўйинлари шафқатсизлик, қотиллик мароқли деган фикр шаклланишига сабаб бўлмоқда. Бунга ҳаётда ҳам мисоллар кўп. 2001 йилда Россияда 6 нафар мактаб ўқувчиси «Сўнги фантазия» («Последняя фантазия») ўйинига шу қадар берилиб кетишдики, охир-оқибат ўз жонларига қасд қилишди. Худди шу йили америкалик Шон Вуллнинг «Everquest» ўйинидан «қайтмагани» бутун жамоатчиликни оёққа турғазди.

— Бу мутеликнинг оддий бир кўриниши эди, — дейди унинг онаси Элизабет. — Сен ё ўласан, ё ақлдан озасан ёки қурилишнинг чорасини топасан. Ўғлим эса ўлди.

Мазкур воқеадан сўнг Эли-

забет хоним мижозларнинг сони кун сайин ортиб бораётган компютер мутелигига қарши даволаниш дастурини ишлаб чиқиб, йўлга қўйди.

**НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?** Аксарият катталар бу вазиятда болаларни қаттиқ назоратга олиш, бундай ўйинларни сотиб олиб бермаслик лозимлигини уқтиришади. Хўш, нима ўзгаради? Фарзандингизни уйда назорат қила оласиз, ўртоғиникида-чи?! Ҳар қадамда дуч келадиганингиз — интернет-кафеларни ёптирасизми? Уззукун таъқиб қилаверсангиз, уни ўзингиздан бездириб қўймайсизми?

Тўғри тарбия, болага фақат ва фақат тушунтириш, тўғри йўналиш бериш орқалигина кўзланган натижага эришиш мумкин. Фарзандингизга компютер олдида соатлаб қолиб кетиш, жангари, шафқатсизликни тарғиб этувчи ўйинларнинг зарари, оқибатлари ҳақида гапириб беринг. Зарур бўлса, юқоридагидек мисоллар келтиринг. Бола компютернинг ижобий жиҳатларидан фойдаланишга ўргансин.

Яна бир гап. Ислоҳни ўзингиздан бошланг. Ажабланишга шошилманг. Ахир XXI асрда яшашимиз, биродар. Компютер олдида ўтмаган, ҳеч бўлмаса бир марта ўйин ўйнамаган кунингизни айта оласизми? Ҳозир бирор ташкилот ходими йўқки, компютерда жилла курси, карта ўйнаб кўрмаган бўлсин.

**КИЧИК ҚИЗИҚИШЛАР КАТТА ФОЖИАЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ.** Бунга ҳам мисоллар кўп. Америкалик 41 ёшли Жеймс Торвил ҳамма қатори оилапарвар инсон эди. Шу боис моянасида орттириб ўғлига компютер совға қилди. Аммо ўзи ҳам бу матоҳнинг ажабтовур ўйинларига қизиқиб қолди. Ишини ташлади. Овқатни, уйқуни унутди. Бироқ қанчалик уринмасин 10 яшар ўғлини енга олмасди. Бу эса ўз навбатида унинг иззат-нафсига тега бошлади ва охир-оқибат оиласини кўчага ҳайдаб чиқарди. Жеймс ниҳоят сеvimли компютери олдида ёлғиз қолганидан, истаганича ўйнаши мумкинлигидан хурсанд эди. Кўшниси Ян Мервин исмли шахс ҳам бу борада ашаддий ишқибоз эди. Шу боис вақт-бевақт Жеймсникига чиқиб, у билан «беллашиб» турарди. Бечора Ян бу билан ўз ҳаёти-

га нуқта қўйилаётганини билмасди. Кунларнинг бирида икки рақиб яна монитор қаршида учрашишди. Бу сафар ҳам Жеймснинг омади келмади. Доим мағлубиятга учраш, бунинг устига рақибнинг тиржайиб турган башарасидан ғазаби кўзиган Жеймс шартта ўрнидан туриб, ётоқхонага йўл олди. У ердан қўлида тўппонча билан қайтиб чиққан ишқибоз аввал мониторга, сўнг рақибнинг нақ пешонасига қараб ўқ узди...

**АВВАЛИГА БУ ЯНГИЛИК ЭДИ:** камёб интернет-клуб ва кафелар. Уларга интилиш бошланди. Интернет кўп нарса бериши мумкинлиги ва келажакда имкониятларининг янада ортиши одамларни у билан дўстлашишга ундади. Бу ерда ҳам тезкор почта алоқаси, ҳам қизиқишлар бўйича мулоқот, ҳам ўз муҳаббатини топиш имконияти ва кўплаб маълумотлар мавжуд эди. Исталган муаммо турли сайт ва форумларда муҳокама қилинади ва турфа қарашлар, жавоблар... Шахсий компютер бўлмаса ҳам, арзимаган пулга клубларда унга бўлган эҳтиёжни қондириш мумкин.

Аммо клублар сони билан бирга уй техникаси сони ҳам ортиб борди. Бугун инсон интернет хизматларидан уйда ҳам, ишда ҳам фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, кўпчиликда ноутбуклар пайдо бўлди. Энди клубларга эҳтиёж қолмагандай эди. Шу боис, кўпчилик улар тез орада йўқолиб кетади деган фикрга келди.

Лекин фактлар бошқача сўзламоқда: клубларга талаб камайётгани йўқ.

Ухшатиш келтираемиз. Нега кўпчилик футбол мусобақасини телевизор орқали кўришдан қониқмай стадионга чопади? Бу ерда ҳам худди шундай. Клубларда стадион муҳити яратилади. Рақибинг қайсидир вилоят ёки шаҳарда эмас, шундоққина ёнингда бўлади. Бир-бирига таниш-нотаниш болалардан тезда жамоа тузилади: унга-уч, унга-тўрт. Таркиб сони турлича бўлиши мумкин. Мухими бу эмас. Мухими шуки, ўйин компютер орқали бўлса ҳам, жонли рақиб билан олиб борилади. Ёнингда эса — қайфиятинг ва туйғуларингизни ўртоқлашадиган шерингиз бўлади. Айниқса, кичкинотлар шўх бўли-

шади. Клуб администратори, бу кўпга бормаслигини билса ҳам, қичқирмасдан ўйнашни буюради. Жим ўйнашнинг иложи йўқ. Ахир, ўқувчилар ҳақиқий жангда бўлишади! Гоҳ улкан жонотлар билан олишишади, гоҳ жанг майдонида қандайдир замбаракни судраб келишади, гоҳ қандайдир техникани қутқаришади. Бу лаҳзаларда виртуал дунё улар учун ҳақиқий ҳаётдан-да ҳақиқийроқдир. Ахир, шундай туйғулар уйда бўлиши мумкинми? Албатта, йўқ! Уйда жўшқинлик йўқ!

**КОМПЮТЕР ЎЙИНЛАРИНИ МАККОР ДУШМАНГА ҚИЁСЛАШАДИ.** У ўз домига нафақат катталарни, балки ёшларни ҳам бирдек тортади. Катталар ундан фақат кучли иродаси ва ақли туфайли қутулиши мумкин. Ёшларда эса бу жараён бир мунча қийин кечади. Уларга кўпроқ виртуал олам ёқади. Сабаби унда ҳақиқий ҳаётдагидан кўра кўпроқ ўзига маъқул нарсаларни кўради.

Фарзандингизга шундай шароит яратингки, бошқача ҳаётни қандайдир виртуал одамлардан излашига ҳожат қолмасин. Уни ҳар соҳада қўллаб-қувватлашга, мақсадларига эришишида кўмақдош бўлишга ҳаракат қилинг. Тез-тез ҳайвонот боғига, кинотеатрга олиб боринг. Токи, у ҳаётдан завқланиб яшашга, уни севишга ўргансин.

«Бу — ўйин эмас, бу — ҳаёт», — компютер ўйинлари ҳақидаги журналлар муаллифлари навбатдаги янги кўп габайтли отишма ўйини таҳлилини шундай сўзлар билан яқунлашни яхши кўришади. Чиройли сўзлар. Аммо бир неча марта қайта тирилиш имконияти фақатгина ўйин қахрамонларида бор. Биз бир марта яшаймиз. Ҳаётнинг бошқача шакллари йўқ, хусусан, уни «қайтадан ўйнаш»нинг ҳам. Ва яна... эсдан чиқармангки, **СИЗНИНГ ҲАЁТИНГИЗ** қандайдир виртуал ўйинлардан кадрлироқ ва гўзалроқдир! Ишонинг, уни жонсиз, бошқариловчи тасвирларга алмаштириш энг нотўғри йўлдир. Сиз билан биз эса нотўғрилар орасидан тўғрини танлаш имконияти берилган ягона мавжудотмиз!

Жаҳонгир ШАРОФБОВ,  
«Ishonch» муҳбири

Душанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 10.50, 15.00, 18.00, 22.35 «Иқлим».

Сешанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 12.55, 15.05, 22.40 «Иқлим».

Душанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари.

Сешанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари.

12.50 «Ихзор». 13.00 Сериал: «Жийда гули». «Болалар сайёраси»:

Чоршанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 15.00, 18.05, 23.00 «Иқлим».

O'zbekiston

17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар». 18.00 «Сизнинг адвокатингиз».

Пайшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 12.55, 15.00 «Иқлим».

20.45 «Ватанимни куйлайман». 21.40 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.

Жума

Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. 5.55 Кўрсатувлар дастури.

Шанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 17.55, 22.00 «Иқлим».

10.45 1.«Рангинкамон». 2. «Дидар». 11.25 Сериал: «Ҳаёт синовлари».

Якшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 11.00, 18.10 «Иқлим».

TOSHKENT

00.45 «Профессионал». 1.00 «Открытая дверь».

Пайшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари.

Шанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 21.15 Тошкент тароналари.

Якшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 22.00 Тошкент тароналари.

## Душанба

6.00, 16.10, 1.20 «Салом, ёшлар!»  
6.40 «Уйимдаги фариштам».  
7.00 «Устозга таъзим».  
7.10 «Мусликий фаввора».  
7.30 «Мультипанорама».  
8.00, 19.30 «Кумуш». Т/с.  
8.40 «Ёшлик наволари».  
9.00 «Мўъжизавий дунё».  
10.00 «Давр ҳафта ичида».  
10.30 «XXI аср технологиялари».  
10.50 «Тупроққа таъзим».  
11.20 «Қишлоқ тараққиёти».  
11.40 «KINOMANIYA».  
12.10, 21.10 «Император аёл». Т/с.  
13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».  
13.10 «Мультипанорама».  
13.40 «Ёшлик наволари».  
14.00 «Куз эртаги». Т/с.  
15.00 «Афсона ва ҳақиқат».  
16.50 «Кучукча Рекс». М/ф.  
17.00 «Капитан Хук». Б/ф. 1-қисм.  
18.10 «13-студия».  
18.30 «Қишлоқдаги тенгдошим».  
18.50 «UzEX».  
20.20 «Ёшлик наволари».  
20.40 «Давр мавзуси».  
20.50 «Автопатруль».  
22.30 Миллий сериал: «Қайтар дунё».  
23.20 «Ёшлик наволари».  
23.40 «Оиласиз». Б/ф. 1-қисм.  
2.30 «Фурур ва андиша». Б/ф.  
4.30 «Рақслар гулдастаси».  
5.00 «Тараннум».  
5.50 - 6.00 «Мадҳия».

## Сешанба

6.00, 16.10, 1.20 «Салом, ёшлар!»  
6.40 «Уйимдаги фариштам».  
7.00, 18.50 «UzEX».  
7.10 «Оловдан огоҳ бўл».  
7.30 «Мультипанорама».  
8.00, 19.30 «Кумуш». Т/с.  
8.40 «Ёшлик наволари».  
9.00 «Мўъжизавий дунё».  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».

## Душанба

6.00 «Хайрли тонг!»  
6.10 «Саломат бўлинг».  
6.30, 8.00, 18.45, 21.45, 1.20, 3.00 Хабарлар.  
7.05 «Тренируемся вместе».  
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика.  
«Спортландия». Мультфильм.  
8.35, 22.05, 1.15 Интерфутбол.  
10.15 «Маҳаллаимиз паҳлавонлари».  
10.50 «Ринг қироллари».  
12.00 Волейбол. Жаҳон чемпионати.  
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
13.35 Баскетбол. Жаҳон чемпионати.  
14.40 Теннис. WTA турнири.  
16.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Қизилқум» - «Бунёдкор».  
18.30 «Баркамол авлод».  
19.05 Енгил атлетика. Ўзбекистон чемпионати.  
19.55, 22.00 Саломатлик хазинаси.  
20.00 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.  
20.50 «Футбол шарҳи».  
23.45 Сешанба дастури анониси.  
23.55 Дзюдо. Жаҳон кубоги.  
00.45 «Баркамол авлод».  
3.10 Гандбол. Жаҳон кубоги.  
3.50 Теннис. WTA турнири.  
5.30 «Футбол тарихи».

## Сешанба

6.00 «Хайрли тонг!»  
6.10 «Саломат бўлинг».  
6.30, 8.00, 18.45, 21.45, 2.00, 3.00 Хабарлар.  
6.50 «Баркамол авлод».  
7.05 «Ливерпуль»нинг олтин даври».  
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика.  
«Спортландия». Мультфильм.  
8.20 Интерфутбол.  
10.05 Енгил атлетика. Ўзбекистон чемпионати.  
10.55 «Спорт - менинг ҳаётим».  
11.20 «Футбол шарҳи».  
12.10 Волейбол. Жаҳон чемпионати.  
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
13.35 Мотоспорт.  
14.10 Баскетбол. Жаҳон чемпионати.  
15.10 Теннис. WTA турнири.  
16.10 Формула-1. Сингапур гран-приси.  
18.30 «Олимп сари».

## Душанба

07.00, 09.00, 10.05, 13.30, 17.10, 18.00, 19.30 Ўзбек наволари  
08.00, 14.30, 18.30 Сериал «Мухаббат асираси»  
09.30 «Топ-10»  
11.30 «Битва Титанов» худ. фильм  
14.20 Prime time (рус)  
15.30 Мультфильм  
17.30 «Премьера»  
20.50 Сериал «IRIS»  
22.00 «ВКУС ЖИЗНИ» худ. фильм  
00.00 Миксер

## Сешанба

07.00, 07.40, 09.00, 10.40, 13.30, 17.10, 18.10, 19.30 Ўзбек наволари  
07.30 Prime time (рус)  
08.00, 14.30, 18.30 Сериал «Мухаббат асираси»  
09.30 Сериал «IRIS»  
11.30 «Вкус жизни» худ. фильм

10.10 «Нофелет қаерда?» Б/ф.  
11.30 «Келажакка сармоя».  
11.50 «Соғлиқ - бойлиқ».  
12.10, 21.10 «Император аёл». Т/с.  
13.10 «Мультипанорама».  
13.40 «Ёшлик наволари».  
14.00 «Куз эртаги». Т/с.  
15.00 «Афсона ва ҳақиқат».  
16.50 «Кучукча Рекс». М/ф.  
17.00 «Капитан Хук». Б/ф. 2-қисм.  
18.10 «13-студия».  
18.30 «Баркамоллик йўлидан».  
20.20 «Ёшлик наволари».  
20.40 «Yoshlar-FM»  
22.30 Миллий сериал: «Қайтар дунё».  
23.20 «Ёшлик наволари».  
23.40 «Оиласиз». Б/ф. 2-қисм.  
2.30 «Таътиллер алмашганда». Б/ф.  
4.30 «Илҳом қанотлари».  
5.00 «Тараннум».  
5.50 - 6.00 «Мадҳия».

## Чоршанба

6.00, 16.10, 1.20 «Салом, ёшлар!»  
6.40 «Уйимдаги фариштам».  
7.00, 18.50 «UzEX».  
7.10 «Бўлажак генерал».  
7.30 «Мультипанорама».  
8.00, 19.30 «Кумуш». Т/с.  
8.40 «Ёшлик наволари».  
9.00 «Мўъжизавий дунё».  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».  
10.10 «Тангалик болалар». Б/ф.  
11.30 «Китоб-офтоб».  
11.50 «Ёшлар ва таълим».  
12.10, 21.10 «Император аёл». Т/с.  
13.10 «Мультипанорама».  
13.40 «Ёшлик наволари».  
14.00 «Куз эртаги». Т/с.  
15.00 «Афсона ва ҳақиқат».  
16.50 «Кучукча Рекс». М/ф.  
17.00 «Сехрли саргузашт». Б/ф.  
18.10 «13-студия».  
18.30 «Чемпион».  
20.20 «Ёшлик наволари».  
20.40 «Ош бўлсин!»

19.05 Енгил атлетика. Ўзбекистон чемпионати.  
19.55, 21.15 Саломатлик хазинаси.  
20.00 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.  
21.25 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси. «Спартак» - «Жилина». Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.  
23.25 Чоршанба дастури анониси.  
23.40 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.  
1.40 «Олимп сари».  
2.10 Дзюдо. Жаҳон кубоги.  
3.15 Англия чемпионати шарҳи.  
3.45 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.  
5.30 «Футбол тарихи».

## Чоршанба

6.00 «Хайрли тонг!»  
6.10 «Саломат бўлинг».  
6.30, 8.00, 18.45, 21.00, 2.00, 3.00 Хабарлар.  
6.45 «Олимп сари».  
7.05 «Ливерпуль»нинг олтин даври».  
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика.  
«Спортландия». Мультфильм.  
8.20, 16.15 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.  
10.05 Енгил атлетика. Ўзбекистон чемпионати.  
10.55 От спорти. Бутунжаҳон уйинлари.  
11.50 Волейбол. Жаҳон чемпионати.  
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
13.35 Автоспорт.  
14.15 Баскетбол. Жаҳон чемпионати.  
15.15 Теннис. WTA турнири.  
16.15 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.  
18.30 «Спортимиз маликалари».  
19.05 Енгил атлетика. Ўзбекистон чемпионати.  
19.55, 21.15 Саломатлик хазинаси.  
20.00 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.  
21.25 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси. «Рубин» - «Барселона».  
23.20 Пайшанба дастури анониси.  
23.30 Футбол. Биринчи лига тур ҳисоботи.  
23.40 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.  
1.40 «Спортимиз маликалари».

15.30 Мультфильм  
17.30 «Премьера»  
18.00 Prime time (рус)  
21.00 Сериал «БРЮС ЛИ ҲАКИДА АФСОНА»  
22.00 «ИГРОКИ» худ. фильм  
23.50 Миксер

## Чоршанба

07.00, 09.00, 10.30, 13.20, 17.10, 18.00, 19.30, 20.30 Ўзбек наволари  
08.00, 14.30, 18.30 Сериал «Мухаббат асираси»  
09.30 Сериал «БРЮС ЛИ ҲАКИДА афсона»  
11.30 «Игроки» худ. фильм  
14.20 Prime time (рус)  
15.30 Мультфильм  
17.30 «Кинокурьер»  
20.00 M-files  
21.00 Сериал «БРЮС ЛИ ҲАКИДА АФСОНА»  
22.00 «ПРОБУЖДЕНИЕ» худ. фильм



## YOSHLAR

22.30 Миллий сериал: «Қайтар дунё».  
23.20 «Ёшлик наволари».  
23.40 «Браун оиласи». Б/ф.  
2.30 «Тикка йўл адоғи». Б/ф.  
4.30 «Ҳаётбахш наволар».  
5.00 «Тараннум».  
5.50 - 6.00 «Мадҳия».

## Пайшанба

6.00, 16.10, 1.20 «Салом, ёшлар!»  
6.40 «Уйимдаги фариштам».  
7.00, 18.50 «UzEX».  
7.10 «Томоша».  
7.30 «Мультипанорама».  
8.00, 19.30 «Кумуш». Т/с.  
8.40 «Ёшлик наволари».  
9.00 «Мўъжизавий дунё».  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».  
10.10 «Бор эканда, йўқ экан». Б/ф.  
11.30 «Автопатруль».  
11.50 «Баркамоллик йўлидан».  
12.10, 21.10 «Император аёл». Т/с.  
13.10 «Мультипанорама».  
13.40 «Ёшлик наволари».  
14.00 «Куз эртаги». Т/с.  
15.00 «Афсона ва ҳақиқат».  
16.50 «Кучукча Рекс». М/ф.  
17.00 «Орзулар камалаги». Б/ф.  
18.10 «13-студия».  
18.30 «Ибратли умр».  
20.20 «Ёшлик наволари».  
20.40 «KINOMANIYA».  
22.30 Миллий сериал: «Қайтар дунё».  
23.20 «Ёшлик наволари».  
23.40 «Ҳаёт пулти». Б/ф.  
2.30 «Сахро». Б/ф.  
4.30 «Унутилмас оҳанглар».  
5.00 «Тараннум».  
5.50 - 6.00 «Мадҳия».

## Жума

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ



## SPORT

2.10 Дзюдо. Жаҳон кубоги.  
3.15 Испания чемпионати шарҳи.  
3.45 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.  
5.30 «Футбол тарихи».

## Пайшанба

6.00 «Хайрли тонг!»  
6.10 «Саломат бўлинг».  
6.30, 8.00, 18.45, 21.45, 2.00, 3.00 Хабарлар.  
6.50 Футбол. Биринчи лига тур ҳисоботи.  
7.05 «Ливерпуль»нинг олтин даври».  
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика.  
«Спортландия». Мультфильм.  
8.20 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.  
10.05 Енгил атлетика. Ўзбекистон чемпионати.  
10.55 От спорти. Бутунжаҳон уйинлари.  
11.50 Волейбол. Жаҳон чемпионати.  
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
13.35 «Олимпийский метроном».  
14.00 Баскетбол. Жаҳон чемпионати.  
15.05 Теннис. WTA турнири.  
16.15 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.  
18.25 «Военное дело».  
19.05 Енгил атлетика. Ўзбекистон чемпионати.  
19.55 Саломатлик хазинаси.  
20.00 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.  
20.50 «ПроФРИНГ».  
22.00, 00.00, 3.45 Футбол. Европа лигаси.  
23.50 Жума дастури анониси.  
2.10 Дзюдо. Жаҳон кубоги.  
3.15 Италия чемпионати шарҳи.  
5.30 «Футбол тарихи»

## Жума

6.00 «Хайрли тонг!»  
6.10 «Саломат бўлинг».  
6.30, 8.00, 18.45, 21.45, 1.00, 3.00 Хабарлар.  
6.45, 11.45, 16.10, 20.00, 00.55, 5.25

## TV-MARKAZ

00.20 Миксер

## Пайшанба

07.00, 07.40, 09.00, 10.30, 13.50, 18.10, 19.30 Ўзбек наволари  
07.30 Prime time (рус)  
08.00, 14.30, 18.30 Сериал «Мухаббат асираси»  
09.30 Сериал «БРЮС ЛИ ҲАКИДА афсона»  
11.30 «Пробуждение» худ. фильм  
15.30 Мультфильм  
17.00 «Baby Terra Landiya»  
17.30 «Премьера»  
18.00 Prime time (рус)  
21.00 Сериал «БРЮС ЛИ ҲАКИДА АФСОНА»  
22.00 «МЕН БУ МЕН» бадий фильм  
23.50 Миксер

УСТОЗЛАР!  
6.00, 16.10, 1.20 «Салом, ёшлар!»  
6.40 «Уйимдаги фариштам».  
7.00, 18.50 «UzEX».  
7.10 «Болалик орзуси».  
7.30 «Мультипанорама».  
8.00, 19.30 «Кумуш». Т/с.  
8.40 «Ёшлик наволари».  
9.00 «Қизлар давраси».  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».  
10.10 «Индинги кун жадвали». Б/ф.  
11.30 «Инсон психологияси»  
12.10, 21.10 «Император аёл». Т/с.  
13.10 «Мультипанорама».  
13.40 «Ёшлик наволари».  
14.00 «Куз эртаги». Т/с.  
15.00 «Ҳаётбахш наволар».  
15.50 «Устозга таъзим».  
16.50 «Кучукча Рекс». М/ф.  
17.00 «Кувноқ сеҳргарлик». Б/ф.  
18.10 «13-студия».  
18.40 «Устоз ўғити».  
20.20 «Ёшлик наволари».  
20.40 «Нуктаи назар».  
22.30 Миллий сериал: «Қайтар дунё».  
23.20 «Ёшлик наволари».  
23.40 «Севгинатор». Б/ф.  
2.30 «Николаас Никлби». Б/ф.  
4.40 «Илҳом қанотлари».  
5.00 «Тараннум».  
5.50 - 6.00 «Мадҳия».

## Шанба

6.00 «Тонгги парвоз».  
6.30 «Табассум қил!»  
7.00 «UzEX».  
7.10 «Сирили ўрмонча».  
7.30 «Мультипанорама».  
8.00 «Аразлама». Б/ф.  
9.20 «Ёшлик наволари».  
9.40 «Навбатчи».  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».  
10.10 «Ҳаёт учун хавфли». Б/ф.  
11.30 «Маслаҳат». Ҳажвия.  
12.00 «Устоз ўғити».  
12.10, 21.10 «Император аёл». Т/с.

«Таъзим сизга устозлар».  
6.50 «Спортимиз маликалари».  
7.05 «Ливерпуль»нинг олтин даври».  
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика.  
«Спортландия». Мультфильм.  
8.15, 13.30, 21.40, 2.50 «Менинг мураббийим».  
8.20 Футбол. Европа лигаси.  
10.05 Енгил атлетика. Ўзбекистон чемпионати.  
10.55 От спорти. Бутунжаҳон уйинлари.  
11.50 Волейбол. Жаҳон чемпионати.  
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
13.35 Мотопоёғи.  
14.10 Баскетбол. Жаҳон чемпионати.  
15.10 Теннис. WTA турнири.  
16.15 Футбол. Европа лигаси.  
18.30 Уқитувчи ва мураббийлар кунига: «Мураббий».  
19.05 Енгил атлетика. Ўзбекистон чемпионати.  
19.55, 22.00 Саломатлик хазинаси.  
20.05 Уқитувчи ва мураббийлар кунига: «Стать ближе». Ток - шоу.  
20.55 «БРЕЙН - РИНГ». Интеллектуал ўйин.  
22.05 Уқитувчи ва мураббийлар кунига «Устозлик саодати».  
22.20 «ГОЛ».  
23.00 Дзюдо. Жаҳон кубоги.  
23.45 Шанба дастури анониси.  
23.55 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.  
1.00 Тунги Хабарлар.  
1.10 Интерфутбол.  
3.15 «БРЕЙН - РИНГ». Интеллектуал ўйин.  
4.00 «Мураббий».  
4.15 Стол тенниси. Европа чемпионати. Эркалар. 1/2 финал.  
5.30 «Футбол тарихи».

## Шанба

6.00 «Хайрли тонг!»  
6.10 «Саломат бўлинг».  
6.30, 8.00, 19.00, 21.45 Хабарлар.  
6.45 «ГОЛ».  
7.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика.  
«Спортландия». Мультфильм.  
8.20, 4.00 Интерфутбол.  
10.05 Енгил атлетика. Ўзбекистон чемпионати.

## Жума

07.00, 09.00, 10.30, 13.20, 17.10, 18.00, 19.30 Ўзбек наволари  
08.00, 14.30, 18.30 Сериал «Мухаббат асираси»  
09.30 Сериал «БРЮС ЛИ ҲАКИДА афсона»  
11.30 «Men bu men» бадий фильм  
14.20 Prime time (рус)  
15.30 Мультфильм  
17.30 «Премьера»  
20.00 «Bollywood Markazida»  
21.00 Сериал «БРЮС ЛИ ҲАКИДА АФСОНА»  
22.00 - 01.00 «O'M SHANTI O'M» хинд бадий фильми

## Шанба

07.00, 07.40, 10.30, 14.30, 17.30, 18.10, 19.35 Ўзбек наволари  
07.30 Prime time (рус)  
09.00 Мультфильм

с.  
13.10 «Мультипанорама».  
13.40 «Ёшлик наволари».  
14.00 «Куз эртаги». Т/с.  
15.50 «Олтин куз».  
16.10 «Мўъжизавий дунё».  
16.50 «Кучукча Рекс». М/ф.  
17.00 «Устозлар китоби». Б/ф.  
18.40 «Тошкент илҳомлари».  
18.50 «Устозга таъзим».  
19.30 «Тақдир қиссалари». Т/с.  
20.30 «Ёшлик наволари».  
20.45 «Устозга таъзим».  
20.50 «Айланай».  
22.30 «Бахтли одамлар». Б/ф.  
00.10 «Ёшлик наволари».  
00.30 «Арктика эртаги». Х/ф.  
2.30 «Кутқаруви». Б/ф.  
4.40 «Монолог».  
5.00 «Тараннум».  
5.50 - 6.00 «Мадҳия».

## Якшанба

6.00 «Ёшлар нонуштаси».  
6.30 «Мультипанорама».  
7.30 «Ош бўлсин!»  
8.00 «Қароқчи чоллар». Б/ф.  
9.30 «Тонгги парвоз».  
10.00 «Ватанпарвар».  
10.40 «Темир никобли одам». Б/ф.  
12.50 «Айланай».  
13.10 «Соғлиқ - бойлиқ».  
13.30 «Эртақлар оламида».  
14.40 «Золушка». Б/ф.  
16.00 «Болалар табассуми».  
16.10 «Тошкент илҳомлари».  
16.20 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.  
18.50 «Устозлик хикмати».  
19.00 «Давр ҳафта ичида».  
19.30 «Рўзгор мактаби».  
20.00 «Мухаббат чархпалаги». Б/ф.  
22.00 «Суиқасд». Х/ф.  
23.00 «Анна Каренина». Б/ф.  
1.20 «Ватанпарвар».  
2.00 «Давр ҳафта ичида».  
2.30 «Рамзий оқ патлар». Б/ф.  
4.40 «Монолог».  
5.00 «Тараннум».  
5.50 - 6.00 «Мадҳия».

пионати.  
10.55 От спорти. Бутунжаҳон уйинлари.  
11.45 «Устозлик саодати».  
12.00 Волейбол. Жаҳон чемпионати.  
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
13.35 Спорт экран: «Тренер Картер».  
15.45 Теннис. WTA турнири.  
16.35 «Шижоат»  
16.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Олмалик».  
19.20 Енгил атлетика. Ўзбекистон чемпионати.  
20.10, 22.00 Саломатлик хазинаси.  
20.15 Жаҳон чемпионати олдидан: «Та-эквандо WTF».  
20.30 «Ўзбекистон спорти».  
21.00 «RING».  
22.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Локомотив» - «Динамо».  
23.45 Якшанба дастури анониси.  
23.55 Дзюдо. Жаҳон кубоги.  
00.55 футбол. Испания чемпионати. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.  
2.55 Стол тенниси. Европа чемпионати. Эркалар. 1/2 финал.  
5.40 «Шижоат».

## Якшанба

6.00 «Хайрли тонг!»  
6.10 «Тренер».  
6.30, 8.30, 18.30, 22.00 Хабарлар.  
6.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Олмалик».  
8.50 «Кувноқ стартлар».  
9.25 «Тренируемся вместе».  
9.45 «Аптека слушае».  
10.30 От спорти. Бутунжаҳон уйинлари.  
11.25, 14.55, 1.30, 4.15 Интерфутбол.  
13.25 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.  
13.30 «Стать ближе». Ток - шоу.  
14.20 Жаҳон чемпионати олдидан: «Та-эквандо WTF».  
14.35 «Мураббий».  
16.55 Теннис. WTA турнири.  
18.00 «Олимпийский метроном».  
19.05 «Санъат ва спорт».  
19.25, 22.30 Саломатлик хазинаси.  
19.30 Спорт - менинг ҳаётим».  
19.55 футбол. Англия чемпионати. «Челси» - «Арсенал».  
22.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» - «Бунёдкор».  
00.25 «Ринг қироллари».  
3.15 Стол тенниси. Европа чемпионати. Эркалар. Финал.

11.30 «O'm Shanti O'm» б.ф.  
15.00 «ПАРК ЮРСКОГО ПЕРИОДА-3» худ. фильм  
18.00 Prime time (рус)  
19.00 «Топ-10»  
21.30 «Премьера»  
22.00 «КУЛАК ЯРОСТИ» худ. фильм  
23.50 - 01.30 «Другая музыка»

## Якшанба

07.00, 11.00, 13.20, 17.00, 18.10, 20.10, 21.00 Ўзбек наволари  
09.00 Мультфильм  
09.30 «Baby Terra Landiya»  
11.30 «Кулак ярости» худ. фильм  
15.00 «КНИГА МАСТЕРОВ»  
17.30 M-files  
18.00 Prime time (рус)  
19.30 Звездопад: «Ўзбекский Страдивари»  
20.30 «Кинокурьер»  
21.30 «Премьера»  
22.00 НЕУДЕРЖИМЫЕ худ. фильм  
00.00 Миксер

## «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» танловига



Алпомишга ватан бўлган Сурхон воҳасининг мард, танти полвонлари кўп. Алининг майдонида улар ор-номус учун, гурури Бойсуну Боботоғдек баланд бўлиши учун ҳалол кураш тушадилар. Бу хислат машҳур Давлағазар, Режаб полвон, Тоҳир полвон, Соат полвон ва Кулашар полвон каби мард боболардан мерос. Ҳар бир билагига йўлбарснинг кучини йиққан мард полвонлар Жарқўргоннинг фахри бўлишган.

Аждодлари шундай мард ва жасур, пахлавон бўлган Жарқўргонда бугун ҳам боболарга муносиб авлодлар улғаймоқда. Мақоламиз ана шундай шербилак, эл-юрт фахрига айланган замонамиз қаҳрамонлари ҳақида.

# АСЛ ЎҒИЛ

## ОТА ЧИРОҒИНИ ЎЧИРМАЙДИ

2007 йил. Апрель. Термиз шаҳридаги Алпомиш ўйингоҳида ал-Ҳаким ат-Термизий хотира турнирида Президентимиз соврини учун кураш мусобақалари давом этарди. Гиламда бармоқларини мардона ўйнатаётган Ўткир полвон Қурбонов рақибларини бирин-кетин ҳалолга йиқитарди. Ҳар гал рақибнинг елкасини ерга теккизганда, ўн мингдан зиёд томошабин «Баракалла, ота ўғил!» деб олқишларди. «Ўйна, отанга ўхшаб ўйна!» деб қўшиб қўйишарди.

Давра жўшиб-жўшиб қийқарди: «Ҳа-а-а, курашларинг Урол полвоннинг ўзи-я!»

Шунда Ўткир полвон полвонликнинг ўзига хос санъати ҳисобланган бармоқ ўйинини чунонам маҳорат билан ижро этиб, галдаги рақибига йўлбарсдек ташланди. Ва яна голиб бўлди. Алқисса, Ўткир полвон, ўша турнирда Президентимиз совринини қўлга киритди.

Тан олиш керак, Сурхон полвонларида бир хислат бор: ўзларидан-да кучлироқ полвонларнинг курагини маҳорат билан ерга теккизишади. Айниқса, Ўткир полвон Қурбоновда бундай ҳолат кўп бўлган. Мисол учун, у Самарқанддаги спорт мактабида ўқиб юрган кезлари Бухоро ва сурхондарёлик полвонларнинг кураш мусобақаси ташкил этилади. Ўша турнирда у доврўқли Камол полвон Муродов билан рўпара келади. Ёш Ўткир полвон вазминлик билан давра айланади ва бир силқишда, биринчи қўлда уни елкасидан ошириб ерга уради.

\*\*\*  
Асли жарқўргонлик бўлган Ўткир полвон нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон кураш майдонларида кураги ерга тегмай келаётган умидли ёшларимиздан. Ҳар гал бел боғлаб майдонга тушганида, мухлисларини янги усуллари билан қувонтиради. Шунда майдон олқишларга кўмилиб кетади.

\*\*\*  
Ўрта мактабнинг 7-синфини тугатган Ўткир отаси — кураги ерга тегмаган Урол полвонга шундай деди:

— Ота-боболаримдек кураш тушмоқчиман. Бунинг учун менга кураш яктагини олиб берсангиз бас!

Хали гўдак деб юрган ўғлининг қатъиятли фикри отани сергаклантирди. Унинг кураш машғулотларига қатнашиши учун барча шароитни яратиш берди. Ўзи билан курашларга олиб юрди. Бундай маросимларни аввал Ўткирдек ёшлар бошлаб беришар, сўнгра катта полвонлар бош тобоқ учун кураш тушишарди. Ўткир Қурбонов учун ҳам бундай беллашувлар ўзига хос мактаб бўлди. Шундай кезларда Ўткир ўз-ўзига сўз берди: «Насиб этса, элнинг олди полвони бўлиб, Ватаним шуҳратига шуҳрат қўшаман.

Шунда барча ўзбекнинг полвон ўғлини кўринг, шундай пахлавонни тарбиялаб вояга етказган юртига, отасига раҳмат, асл ўғил аждодлари ёққан чироқни ўчирмайди, деб айтади».

Полвон сўзида турди. Кўнглидаги ниятлари, Аллоҳдан сўраганлари ижобат бўлди. Уз устида қаттиқ ишлади. Ўн саккиз ёшли полвонни катта кураш майдонларида кўрганлар севишниди.

Ўткир вилоят касаба уюшмалари тасарруфидоги жисмоний тарбия ва спорт мактабига қатнардди. Машқлар давомида маҳоратини ошириб борди. Устози Йўлдош Бекмирзаевдан миллий кураш, самбо, дзюдонинг сир-асрорларини пухта ўрганди. Натижалар қутилганидек бўлди. Баркамол йигит элу юртга танилди. 1997 йилда Самарқанд вилоятида ўтказилган республика мусобақасида фахрли I ўринни олиб, чемпион бўлди. Ютуғидан қувониб, машқларига зўр берди. Шу йили Бухоро вилояти Қорақул туманида ўтган республика биринчилигида 66 килограмм вазн тоифасида яна бир бор республика чемпиони бўлди. 1998 йил Ҳиндистонда Бутунжаҳон ёшлар ўртасида ўтказилган дзюдо мусобақасида «Қирол кубоги» соҳиби ҳамда

шу йили Россиянинг Новосибирск шаҳрида ўтган Иван Поддубний хотира турнирида бош совринни қўлга киритди. 1999 йили Парижда ўтган халқаро мусобақада олтин медалга сазовор бўлди.

2002 йил Япониядаги халқаро дзюдо курашида фахрли I ўринни эгаллаб, олтин медални қўлга киритди. Гулистон шаҳрида ўзбек кураши бўйича ўтказилган халқаро турнирнинг мутлоқ голиби бўлди. 2005-2007-2009 йилларда Термиз шаҳрида ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланиб ўтказилган турнирларда Президентимиз совринини қўлга киритди.

\*\*\*  
Очиғи, Ўткир полвон катта-кичик кураш майдонларига чиққанда, унинг рақиблардан фарқли жиҳати яққол билиниб туради. У майдонда ғалабага бўлган зўр иштиёқ билан ҳаракат қилади. Ҳеч ким, ҳатто рақиблари ҳам ўйламаган усуллари қўллайди. Бундай чиройли, мардонавор курашни кўрган томошабинлар уни олқишлашдан чарчашмайди. Одамлар орасидан келаётган «Бўш келма, Ўткирбек, чилинг келди, ур олға, Ўткир» чорловлари голибликка ундайди.

У майдонда доимо ор талашиб курашади. Баъзан рақиблар ҳам бўш келишмайди. Лекин барибир совринлар Ўткир полвоннинг тақимида босилмаверади. Полвон учун ҳар гал ғалаба йўлига чиқиш осон кечмайди. У доим рақибига шиддат билан ташланса-да, эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилади. Чунки курашдаги билиб-билмай йўл қўйилган хато, барча машаққатли меҳнатни чиппака чиқариши мумкин.

— Тўғри, озми-кўпми ютуқларга эришдим. Лекин ҳали олдинда забт этилмаган юксак довлар турибди, — дейди Ўткир полвон. — Эзгу мақсадларимдан асосийси, жаҳон ва олимпиада ўйинлари чемпиони бўлиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтариш!

...Кучи билагига сиғмаган алп йигит Ўткир полвон Қурбонов кураш тушмоқда. Чапдастлиги, маҳорати, қолаверса, полвон ота-боболарининг дуоси унга куч бағишлайди: рақиб «аттанг» дея юлдуз санаб қолади. Майдон олқишларга тўлиб-тошади. Эл-улус Ўткир мисолида ўзбек ўғилларининг нималарга қодирлигини яна бир бор кўради.

Рустам ДАВЛАТОВ,  
«Ishonch» муҳбири

Карши давлат университети профессори Ботир Хайриддинов бир суҳбатда иқтидорли шогирдлари ҳақида сўз очиб қолди. Айниқса, ёш олим Нодир Холмирзаевни алоҳида таърифлади. — Нодиржон ўтган йили Ўзбекистон Фанлар академияси Физика-Куёш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси физикатехника институти қошидаги ихтисослашган кенгашда «Пахта хомашёсини қуритиш жараёнларида куёш рекуператив ҳаво қиздиришни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш» мавзусида илмий ишини ёқлаб, техника фанлари номзоди даражасини олишга эришди, — деди Ботир ака қувонч билан. — Юртимизда шундай иқтидорли ёшлар борлигидан фахрлансақ арзийди.

## Куёш энергияси эвазига

Н.Холмирзаевнинг тадқиқоти куёш энергияси эвазига миллионлаб кубометр газни иқтисод қилишга қаратилган. У ўзи яратган қурилма ёрдамида пахтани қайта ишлаш олдида қуритиш жараёнида сарфланадиган ёқилғи (табиий газ) миқдорини камайтиришни назарда тутди.

— Бир тонна пахтани қуритиш учун 17 метр куб табиий газ ёқилади, — дейди ёш олим. — Куёш рекуператив ҳавоқиздиригич қурилмасидан фойдаланиб, сарфланадиган табиий газ миқдорини 12-13 метр кубга туширса бўлади. Республикамизда қанчадан-қанча пахта тозалаш заводлари мавжудлигини назарда тутадиган бўлсак, ишлаб

чиқаришда бу қурилмадан фойдаланиб, миллионлаб куб газни тежаб қолиш мумкин. Заводларда қурилмани ўрнатилган кетган маблағ 4-5 йилда қопланиб, соф даромад келтира бошлайди.

Изланувчан Н.Холмирзаев яна бир тадқиқот устида иш олиб борапти. У фермер хўжаликлари учун гелиокомплекс ишлаб чиқаяпти. Табиийки, аҳоли пунктларидан олисда жойлашган дала шийпонига ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси олиб бориш кўпгина қийинчиликлар келтириб чиқаради. Куёш энергиясидан фойдаланиб эса, бу муаммонинг ечимини топиш мумкин. — Фермер хўжаликларида дала ший-

понлари учун гелиокомплекс (гелио уй, гелио душ ва пахта қурилиши майдончаси) лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тадқиқот

ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг 2009-2011 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар дастури бўйича давлат грантига тақлифларимизни берганимизда бизни қўллаб-қувватлашди ва бир йилда 8 миллион сўмдан 3 йилга маблағ ажратилди, — дейди у.

Ҳозирда ёш олим куёш энергиясидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш бўйича устози Б.Хайриддинов раҳбарлигида янги изланишлари маҳсулини амалиётда татбиқ этиш билан банд.

Иzzат ҲИКМАТОВ,  
«Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Хажвия



# БАЛАН Д ДОР

**Челакқоқти қишлоғида Қўрқмасвой Қайтмасовни ҳамма яхши танийди. Чунки у қишлоқдан чиққан қалдирғоч «ёзғувчи». «ёзғувчи»ликни шамчироқ остида юмалоқ хат ёзишдан бошлаган. Қай бир йили Намозбой фермер «Нексия» сотиб олганди. Қўрқмасвой буни эшитиб, дарров қаламини ишга солиб юборса бўладими. Ана югуру, мана югур. Намозбой фермерни роса сарсон қилишди. Юмалоқ хатнинг кучи охири фермерни инфаркт қилди. Яна бир Ҳалимбой деган девдай йигит ота-онасидан қолган эски уй ўрнида пишган гиштдан икки қаватли уй солишни бошлаганди. Қўрқмасвой уни ҳам аяб ўтирмай «юмалоқ ёстиқ» қилиб юборди.**

Исми жисмига монанд ҳеч нарсадан қўрқмай юмалоқ хат ёзишнинг устаси бўлиб кетди. Бора-бора қишлоқдагилар ундан узокроқ юрадиган бўлишди. Шундай кунларнинг бирида Қўрқмасвой газетада Нобел мукофоти ғолиблари ҳақидаги хабарни ўқиб қолди. Кўзойнагини ечиб, бошини қашлади.

— Оббо занғар-е, бу Нобел мукофоти дегани жуда катта нарса экан-ку! Пулини айтмайсизми?.. Мен аҳмоқ бўлса, умримнинг ярми охирлабдию, юмалоқ хат ёзишдан нарига ўтмабман. Бугундан бошлаб шов-шув бўладиган асар ёзишга киришаман. Шояд Нобел олсам. Ҳамма менга қойил қоларди. Аммо... Аммо...

Қўрқмасвой бир нимадан

чўчигандек чайнала бошлади. Думалоқ кўзлари ола-кула бўлиб атрофга аланглади. Шу тобда кўзи тоқчада турган китобга тушди. Йўқотган нарса-сини топгандек қувониб кетди. Сапчиб ўрнидан туриб, китобни кўлига олди. Муқовадаги «Шум бола» деган ёзувни пичирлаганча ўқиди.

— «Шум бола», «Шум бола». Ахир бу асар бўйича кино ҳам ишланган-ку? Ўша кинони илк бор кўрганимда роса кулгандим. Бу китобни, адашмасам, Фафур Фулом ёзганди. Ҳа, мана, муқовасига ҳам «Фафур Фулом» деб ёзиб қўйибди. Демак, асар жуда яхши ёзилган. Шу китобни у ер, бу ерига озгина сайқал бериб, ўз номидан чоп эттирсам ким ҳам билиб ўтирибди? Қарабсизки, бир зумда машхурлик чўққи-

сига кўтариламан. Мукофотлар... Унвонлар... Ҳамма-ҳаммаси меники... Китобдан келадиган даромад ҳисобига яхши тилмоч топиб, чет тилларга таржима қилдираман.

Шундай қилиб, Қўрқмасвой ниятига етди. Машхур адиб Фафур Фуломнинг «Шум бола» китобини «Шўх бола»га айлантирди. Ҳозир нима кўп, хусусий нашриётлар кўп. Қўрқмасвой шундай нашриётлардан бирининг эшигини қоқиб борди. Нашриёт бошлиғи қотмадан келган, новча йигит Қўрқмасвойни илиқ қарши олди.

— Ака, хуш кўрдик. Яхши келдингизми? Хўш, хизмат?

— Шу десангиз «Шўх бола» деган асар қоралагандим. Шунини кўлтиқлаб тўғри бу ерга шошиб келдим. Эшитишимча,

сизнинг нашриётингизда чиқаётган китоблар сифати зўр экан. Энди, бизнинг асарни ҳам...

— Эй, нималар деяпсиз, ака? Зўр ҳам гапми, бизда чиқаётган китоблар даҳшат. Ишонмасангиз, мана, ўзингиз кўриб баҳо бераверинг.

Толмасбек Қиличев шундай деди-да, кафтларини бир-бирига ишқалади. Кейин Қўрқмасвойнинг олдига учтўртта янги чоп этилган китобларни кўйди.

— Вой-бў, наҳотки, шу китоблар сизнинг босмаҳонангизда чоп этилган бўлса? Демак, бу ерга келиб адашмаган эканман. Шу десангиз уқажон, сўраганини айби йўқ дейишадди. Ўзингиз ҳам...

— Э, акажон, ўзим бу соҳадан анча йироқман. Отамнинг

пуллари билан ТОШМИни тамомладим. Аслида жарроҳман. Тиг ушлашга тобим йўқ. Отамга дардимни айтиб, шу мўъжазгина кошонани очдирдим. Мана, ёмон эмас, сизга ўхшаган қалам аҳлининг ҳожатини чиқарай деб юрибмиз...

— Бўлди-бўлди, тушундим, ука. Ҳожатбарормиз денг. Энди бизнинг ҳам ҳожатимизни чиқарар экансиз-да? — дея Қўрқмасвой кўлэмани узатаркан, маъноли жилмайиб кўйди.

— Оббо, акагинам-э, сиз ҳам ўзимиздан экансиз-ку! «Осилсанг, баланд дорга осил», деб чўққининг баландини кўзлабсиз-да! Нобел денг, яхши, жуда ҳам яхши. Яхши ният — ярим мол, дейишадди. Ниятингиз ижобат бўлиши учун биз ҳам кўлимиздан келган санъатни ишга соламиз. Китобингиз муқовасини шундай чиройли қилайликки, кўлига олган китобхоннинг ҳаваси келсин. Ҳа-ҳа, ҳаваси келсин.

Қўрқмасвой ўша кунги шод уйига қайтди. Хурсанд бўлганидан яна «ижод»га берилди. У Оқилжон Хусановнинг «Тоғда ўсган бола» асарига қалам урди. Асар сарлавҳасини «Томда ўсган бола» деб кўйди. Яқин кунларда «Шўх бола» ҳамда «Томда ўсган бола» китоблари кўлингизга тушиб қолса, ҳеч ҳам ажабланиб юрмангиз. Уларнинг муаллифи ўзимизнинг Қўрқмасвой Қайтмасов бўлади. Айни чоғда унинг иштаҳаси карнай. Нобел мукофоти олиш иштиёқида Америка ёзувчиси Эрнст Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол!» романига ҳам қалам уришга шай турибди...

Латифжон МАНСУРОВ

Кўп йиллар ўзининг табири билан айтганда «катталар»нинг роса хизматини қилди, минг афсуски... Раҳбарлар алмашади, лавозимингизни кўтарамиз, дейишадди-ю, натижа йўқ. Нима қилишини билмай боши қотган.

Миясига бир фикр келди-ю, сакраб ўрнидан турди. Папкага ҳужжатларни жойлади-да, кўлтиғига олиб «шеф» қабулхонасига йўл олди.

— Сиз бағрикенг, самимий, ишонувчан, бировларга ёмонлик раво кўрмайдиган инсонсиз. Бошқарма бошлиғи Нортой Алиевич жосуси — қабулхонангиздаги Муаттархон билан сиз ҳақингизда маълумот тўпламоқда. Сабабини биласизми... Ўрнингизга ўтироқчи.

Дамир Санаевич унинг гапларидан бир оғриқ сезди-ю, билдирмасликка олиб, салмоқ билан гапирди:

— Ҳошимбой, дунёда абадий нарсанинг ўзи йўқ. Ҳавас қилибдими, бу яхши. Нима учун дейсизми? Демак, келажакка ўзини тайёрлаб, масъулиятни оляпти. Иннакейин десангиз, бу лавозим юқоридан тайинланади. Нортой Алиевич буни яхши билади.

— Эй ака, у шайтонга дарс беради. Этибор беринг-а, жамоа уни ҳурмат қилади. Ақли одам, нима муаммо

## «Ижтимоий портлаш»

билан мурожаат қилсанг, ечимини топади, дейишадди. Аслида-чи, сирти ялтироқ, ичидан пишган, мансаб деса боридан кечади. Кунини кеча қабулхонангизда навбат кутиб турсам, Муаттархон телефонда маълумот етказяпти: «Нортой Алиевич, бошлиқнинг ҳузурда молиячилар бор, кейин Ҳошимбой ака кирмоқчи, шунга қараб келаверинг», — дейди.

«Муаттархон, нимага Дамир Санаевичга таллуқли яширин ахборотларни айтяпсиз, нотўғри иш қияпсиз, синглим» десам, «Ҳошимбой ака, у даврлар ўтиб кетди» деб масхара қилди. Қизиқиб кўрсам, Нортой Алиевич илгари ишлаган ташкилотда Муаттархон амалиёт ўтаган экан. Бир-бирини яхши билишадди, мақсади шум, эҳтиёт бўлиш керак.

— Хўп, нима қилиш керак. Кўп йилдан буён ёнимда ишлаяпсан. Ўйла, иложини топ, шумқадамларнинг ҳаракатини бил. Мехнатинг ерда қолмас, бирор-бир лавозимни кўрармиз.

— Хўп бўлади, ака, асл мақсадим ҳам...

(«лавозим» демоқчи бўлди-ю...) сизга хизмат қилиш.

— Иккаласини кузат. Жамоада кимларни ўзларига оғдираяпти, қандай маълумотлар тўплашяпти. Мен ҳақимда нималарни гапиришяпти. Бу ерда бир гап борга ўхшайди.

Ҳошимбой ишга тушиб кетди. Нортой Алиевич ва Муаттархон бўйича барча маълумот тўпланди ва бошлиққа етказилди. Дамир Санаевичнинг кўрсатмаси ила Ҳошимбой Муаттархон билан суҳбат-сўроқ ўтказадиган бўлди.

— Муаттархон, айтинг-чи Нортой Алиевични қачондан бери танийсиз?

— Тушунмадим, бу нима деганингиз?

— Гапни бурмай тўғриси айтинг, қачондан биласиз?

— Анчадан бери, келганимга уч йил бўлди-ку.

— Фикрингизни жамлаб тўлиқ жавоб беринг. Бир-бирингизни нима боғлайди, қачондан унга жосуслик қиласиз?

— Ҳошимбой ака, — чимирилиб жаҳл билан деди Муаттархон. — умуман тушунмаяпман.

Жосус дейсизми-ей... Менимча, сизни даволаш керак. Танишим бор, ҳозир телефон қиламан.

Муаттархон шарт ўрнидан турди ва эшикни қарсиллатиб эпиб чиқиб кетди. Суҳбат тафсилотини Нортой Алиевичга етказди.

Нортой Алиевич газабланиб Дамир Санаевич қабулхонасига йўл олди.

— Келинг, келинг, Нортой Алиевич, сизни топшириқ бўйича жуда бандлар дейишган эди. Шунинг учун безовта қилмаётган эдим. Вақтида келдингиз, муҳим топшириқ бор. Масла-

хатлашиб оламиз. Ўтиринг, мана чой, конфетдан олинг, — мулозамат қилди бошлиқ.

— Дамир Санаевич, сиз билан бинойидек ишлаб турибмиз. Ишда нима бўлмайдими. Тўғри тушуняпсиз деб ўйлар эдим. Кейинги вақтда менга нисбатан ноҳақлик, ўз номи

билан айтсак аҳмоқчилик бўлаяпти. Қабулимга ким киряпти, ким билан телефонда гаплашяпман, қаерга бора-япман, қандай иш қила-япман... Суриштирув ишлари қизиқ кетган. Бугунгиси ҳаммасидан ошиб тушди. Бўлмағур фиску фасодларга чек қўйайлик. Жамоа чарчади, ходимлар сиқилиб кетди. Шунинг дастидан ходимлар бир-бири билан гаплаша олмайди, бир-бирини пойлайди. Ахир, бизнинг ташкилот савоб қиладиган, муҳтожларни кўллаб-қувватлайдиган жой-ку. Бунақада ижтимоий портлаш бўлади.

— Қанақа портлаш, ким қилади, қачон? Ёрдамчи, тез телефон қил, портлаш бўларкан. Тез.

— Ие, қанақа одамсиз, ижтимоий деяпман, ижтимоий.

Шу вақт эшикни шитоб билан очиб ёрдамчи кирди-да:

— Ҳошимбой акамини олиб кетишди. Анчагина ўзгариш бор дейишяпти, — деди.

— Тушунтириб гапир. Ҳошимбойни қаерга олиб кетишди, нима учун, қандай ўзгариш?

— Рухий касалхонадан келишди. Ҳошимбой аввало «шеф»ни текширинглар дебди. Шифокорлар сиз билан гаплашмоқчи.

Врачлар хонага киришди, уларни кўриб, Дамир Санаевич шилқ этиб, полга қулади.

Нур МУҲАММАД




Рассом: Хусан СОДИҚОВ

**Ярим асрдан зиёд давом этган ёзувчилик фаолияти давомида сермазмун ижод йўлини босиб ўтган Тўлепберген Қайиббергенов, афсуски, бугун орамизда йўқ. Жонкуяр адибнинг, айниқса, кейинги йиллардаги публицистик чиқишлари мустақил-лигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган эди.**

**Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган нома балки унинг сўнги битигидир. Мактуб шуниси билан таъсирлики, унда улуг адибнинг сийрати, самимияти шундайгина балқиб турибди. Келинг, яхшиси, бунга ўзингиз гувоҳ бўлинг.**

# Оққан дарё оқаверади...



АБДУСАИД  
КУЧИМОВ

раларим қайта-қайта жонланди. Гап шундаки, Абдусайджон, сенинг китобингга қахрамон бўлиб кирган адиблар, шоирлар, танқидчилар — бари халқларимиз севган, ардоқлаган замондошларимиз, бари менинг кадрдонларим, азиз тутган бовирларим! Китобингни варақлаб ўтириб, уларнинг ҳаммаси билан қайта кўришиб, чақчақлашиб, суҳбатларини олгандай, йўқ, ўзларини кўргандай, гаплашгандай бўлдим.

Кадрдоним Абдусайджон!

Сен билан Тошкентда, гоҳ Нукусда учрашганимизда ҳар гал асарларим борасида фикр билдириб, баъзи қахрамонларим ҳақида китобларим, ундаги воқеалар ҳақида айтган жўяли мулоҳазаларингни эшитиб, мутолаа доиранинг жуда кенглигига ҳавасим келарди, тўғриси, бундан ҳайратланардим. Пирматга ҳам, бошқа ўзбек дўстларимга ҳам кўп марта айтганман, бу йигитнинг қалами бор, эътибор беринглари, қаторга олинглари деб. Бу гапларга ҳам энди ҳув йигирма-йигирма беш йиллар бўлиб қолди, бу вақт орасида сен катта-катта, масъулиятли лавозимларда ҳам ишладинг, матбуотимизнинг қайноқ қозонида пишдинг. Эл-юртнинг дардини айтадиган, адиб сифатида, журналист сифатида гап айта оладиган қаламкаш бўлиб танилдинг. Мана мисоли: кўлимдаги янги китобингга сен халқини севган, ватанини севган қаламкаш, фидойи адиб, жонкуяр зиёли сифатида гавдаланиб турибсан...

Абдусайджон, сенинг янги китобингга қахрамон бўлган зотлар бари менинг кадрдонларим, дедим. Халқимизнинг ардоқли адиблари Пиримқул Қодировни ҳам, Одилни ҳам, Пирмат

ва Азим Суюнни, Маҳмуд Саъдий, Қозоқбойни, ҳатто фотограф дўстимиз Абдуғанини ҳам жуда эскидан, отам замонлардан биламан, уларнинг асарини ўқиб, кузатиб келаман. Бироқ китобингни ўқиб-эшитиб ўтириб, барини қайтадан кашф этгандай бўлдим, уларнинг бағрига, ички оламига, ижодига янада ичкироқ кириб боргандай бўлдим, инсон сифатидаги фазилату хусусиятларидан такрор-такрор хабардор бўлдим ва ўйлаиб қолдим: бу китобнинг одамини, ўқувчини мафтун қилиб қўядиган жозибаси нимада экан? Ахир бу кадрдонларимни минг йиллардан бери биламан-ку, улар билан кўрпа тепишиб, тойчоқдай ўйноқлашиб катта бўлганман-ку, кунда уларнинг ҳаётига, ижодига, ички оламига, фазилатларига қайта маҳлиё бўлиб ўтирганимнинг сири нимада экан?

Саволларимга жавоб ҳам топдим, Абдусайджон, сен бу адибу шоирлар, зиёли инсонлар ҳаётига янгица нуқтаи назардан қараб, уларнинг шу умидларини таҳлил қилган экансан, иним. Дарҳақиқат, мустақиллик даври биз ижодкорлар тақдирида бениҳоя улкан рол ўйнади, бизнинг кўлларимизга ҳеч синмайдиган янги, ўткир қалам берди, янги бир қудратли илҳом бағишлади, янгица ёзишимиз, ҳаққоний ва завқшавқ ила тўкилиб ижод қилишимиз учун шарт-шароитлар яратиб берди. Пиримқулнинг, Одилнинг янги ижоди, Пирматнинг ёзаётган китоблари, Азимбой ва Қозоқбойнинг янгица ҳайкириқ билан тўлиб-тошиб айтаётганлари — буларнинг бари мустақилликнинг мевалари ахир. Адабиётимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз учун янги давр бошланди. Барининг бошида илҳомбахш куч бўлиб, қудратли даъват бўлиб, улуг Хумоқуш бўлиб

Юртбоши турибди! Иним, китобингни ўқиб ўтириб, айниқса, унинг иккинчи қисмидаги публицистик мақолаларининг мағзидан бахраманд бўлиб, улуг неъмат — мустақиллик руҳини, даъваткорликни, фидойиликни янгидан ҳис қилгандай бўлдим. Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг «Келажакда ўзбек адабиёти буюк адабиёт бўлади, улуг қаламкашлар етишиб чиқади!» деб башорат қилганларини эсладим.

Абдусайджон, бовирим, мен саксондан ошиб, кексайиб қолган одам-

ман, аммо ҳозир ҳам ёшларга, айниқса, қўлида қалами бор ижодкорларга маслаҳат беришга, устозларнинг ўғитларини етказиб туришга ҳақлиман. Ёз, иним, тўлиб-тошиб ёз, сенинг бу қаламингдан нафақат публицистик мақолалар, адабиётимизда воқеа бўлиб қоладиган ҳикоятлар, қиссалар, романлар портлаб-отилиб чиқишига ишонаман. Худога шукур, ёзадиган, жаҳонга қараб қулоч кериб парвоз қиладиган замон мана энди келди! Қодирий ва Чўлпонлар, Фафур Фулом ва Ойбеклар орзу-армонларини, улар ёза олмай кетган асарларни сизлар — бугунги куннинг, янги даврнинг қаламкашлари ёзмоғи керак. Президентимизнинг адабиётимиз учун, маънавиятимиз учун яратиб бераётган шарт-шароитлари замиридаги маъно-мазмун, умид, илҳомбахш даъватлар, барча қаламкашларни мана шундай фидойи ижодга чорлаётир!

«Эл сув ичган дарёлар» жуда яхши, ибратли китоб бўлибди, унга кирган қахрамонлар дармонда, кирмаганлар армонда қоладиган китоб бўлибди. Фикри ожизимча, тўплам янада тўлишса, яна кўплаб адиблар, шоир, рассомлар, маданият арбоблари бу китобдан жой олса, адабиёт ва маънавият дарсларида ўтиш учун, мактаб, институт, муассасалар учун тайёргина дарслик-портрет китоби дейишга арзигулик манба бўлиб қолар экан.

Табриклайман!

Ишларингга муваффақият тилаб қолувчи оғанг

**Тўлепберген ҚАЙИББЕРГЕНОВ,  
Ўзбекистон Қахрамони,  
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон  
халқ ёзувчиси  
Нукус, 2010 йил июн»**

## ЁЛГИЗЛИК

**Ҳар гал отам ҳақида сўзлаганимда, кўксим ғурурга тўлиб кетади. «Дадамдек меҳрибон ота ҳеч кимда йўқ» дея такрорлашни яхши кўраман.**

Ҳақиқатдан, мақтанишга арзигулик салобатли ва жуда меҳрибон отажоним бор менинг. Эсимда, болалигимда инжиқ, эркатой эдим. Онадан жуда эрта етим қолганим учунми, нимжонгина, сал нарсага касал бўлаверардим. Шунда инжиқликларимдан безор бўлган опаларим қаттиқроқ гапирса, дарров аразлаб, «Дадажон, анув қизийиз мени тирмизак, манов қизийиз қилтирик, деди», дея шикоятимни бошлардим. Шунда отам тиззасига ўтқазиб, опаларимга нўписа қиларди: «Шошмай туринглари, қизим шу қишдан ҳам омон ўтсин, ҳали бир қиз бўладики, ҳамманг оғзига қараб ўтирасанлар».

«Менинг отам ҳам жуда меҳрибон» деган дугоналаримга

сўз бермасдим. «Менинг отам эса, — дердим кўзларим ғурурдан порлаб, — онамнинг хотираларига бир умр содиқ қолганлар».

Эркак аёлининг маърақасида ўзига муносиб жувон излайди, деган гап бор. Отам эса бизнинг камолимиз учун ёшлиги, куч-қувватини фидо қилди. Ўзининг ҳузур-ҳаловатидан кечиб, бор меҳру муҳаббатини зурриёдларига бахш этди.

Йиллар бир-бирини қувлаб ўтди. Фарзандлар бўй чўзиб, ҳар биримиз бир оиланинг беку бекасига, отам невар ва чевараларнинг суюкли, меҳрибон бобожонисига айланди. Чорак асрдан зиёд умрида ҳаёт отлич дарёни сабр-бардош, матонат билан ёлғиз кечиб ўтди. Бу эса кўксимдаги

фахр тоғини янада юксалтирди. Дадамнинг одамоҳунлиги, тўғрисиўзлиги, эҳтиёжмандга қайишгани, фақат яхшилик улашгани сабаб кексайганида нафақат зурриёдлари, балки бутун қишлоқ аҳли хурмат ва эҳтиром кўрсатарди.

...Ўша куни отажонимни кўргани бордим. Алпдай коматини қарилик енгаётганини кўриб ичим эзилди, жонига оро киролмаётганимдан эзилдим. Ёзнинг тафтли кунда бироз ором олишни истаб, эти устихонига ёпишаёзган оёқларини авайлабгина ювдим. Шу вақт кўчадан ғўнғир-ғўнғир овоз эшитилди. Оёқларини сочикча ўраб ўрнимдан кўзгалган эдим ҳамки, эшикдан қишлоқ оқсоқолларидан тўрт киши олдинма-кейин кириб келишди.

— Мазза, мазза, ҳожига мазза экан-да, шу ёшга кириб оёғимни ҳеч ким ювиб қўймаган, — деди ҳазиллашиб Асад бобо. — Оплоқ парку ўрин-жойлар, ўҳ-хў, сара мевалар.

Бобо дастурхондаги қипқизил олмани қўлига олиб ҳидлади. — Қани тишинг бўлса-ю, фарчиллатиб есанг. Хўш, қалайсиз, энди ошна?

— Тузук.

— Ётаверар экан-да, болаларга эркалик қилиб. Мундай, туришни, дала-даштга чиқиб, мол-ҳолга қарашни ўйлайсизми, йўқми ўзи, ҳожи бобо?

— Ҳаққиси рост, ҳожи жўра, Асад бобо тўғри айтади. У кишини қаранг, сиздан уч ёш катта бўлса ҳам ҳалигача томорқага ўзи сув қўяди, — Абдулла ака аскияни давом эттирди.


— Ҳа, Абдулла, Асад бобонгн ҳам, сенларни ҳам қақдингни тик кўтариб юришларинг, ёнингдаги суянчикларинг — хотинларинг борлигидан. Менинг куним, илойим, бошларингга тушмасин.

Отамнинг гапларини эшитиб ўйлаиб қолдим. Бизга бирон марта қийналганини билдирмаган, миннат нималигини билмаган падаримнинг лабидан учган каломдан юрагим сирқиради.

«Отам каби вафодор ва болажон инсон бу дунёда жуда кам. Агар иккита бўлса биттаси, битта бўлса ўша инсон отамдир», дея фахрланишигина биллибмиз, холос. Бироқ пасту баланд, чангу лой тақдир кўчаларини не азобларда босиб ўтгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Хокисоргина, ёшлиги, куч-қуввати, меҳнати, меҳрини фарзандларига берган отамни эътибор, муҳаббат, суянчикқа зор бўлганини англаб етмабмиз, кўнглига қўл солмабмиз.

Энди жудаям кеч. Биз йўл қўйган хатони ҳеч ким такрорламаслигини истардим. Бекорга ёлғизлик — Яратганга хос, дейишмас экан.

**Дилфуза АБДУЛЛАЕВА**



Эрамиздан беш минг йил аввал тарвузни Мисрда ўстириш йўлга қўйилган. Марказий Осиёга эрамиздан икки минг йил олдин кириб келган. Фарбий Европада XI-XII асрларда пайдо бўлган. Тарвузга олимларнинг қизиқиши ортиб, унинг тўртбурчак шаклидаги нави ҳам етиштирилган. Уч аср мобайнида Японияда уруғи билан бирга истеъмол қилса бўладиган тарвуз нави етиштирилди. Унинг уруғи оқ ва юмшоқлиги билан ажралиб туради.

Таркибида 13 фоиз қанд, оқсил моддалари, пектин, крахмал, органик кислоталар, С, В1, В2, В6, РР каби дармондорилар мавжуд. Шу билан бирга, аминокислоталар, калций, магний, калий, фосфор, темир, натрий сингари маъданларни сақлайди.

Тарвуз уруғида 40 фоиз мой, 35 фоиз оқсил, алкалоид, фитостерин, каротин ва бошқа моддалар бор. Мевасининг «гўшти» қисми 80 фоизгача сувдан иборат. Ундан мураббо, шарбатлар тайёрланади. Бунинг учун уруғидан тозаланган ичи ёки ширасига 1:1 нисбатда шакар қўшилади ва паст оловда қуюқлашгунча қайнатилади.

Халқ табобатида тарвуз парҳез сифатида кенг қўлланилади. Унда пешоб ҳайдовчи, захарга қарши, қувват бахш этувчи, ҳазми яхшиловчи, иштаҳани очувчи хусусият бор. Тарвуз юқумли хасталиклар — сил, ич терлама (қорин тифи), сарик, ичбуруғ, юрак, буйрак, жигар касалликларида тавсия этилади.

Майдаланган уруғи буйрак ва ўт пуфагида тош бўлганда фой-

Тарвуз — қовоқгуллар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик бўлиб, унинг хўраки, хашаки, ёввойи турлари маълум. Ватани Жанубий ва Марказий Африка ҳисобланади. Колахари ярим чўлларида ёввойи ҳолда ўсади. Айни пайтда, тарвуз Ҳиндистон, АҚШ, Хитой, Япония, Европа, Кавказорти, Украина жанубида маданийлаштирилган. Ҳозирда дунёнинг 100 га яқин мамлакатида тарвузнинг 1200 тури етиштирилади. Диримизда «Ҳайит қора», «Мармар», «Кўзивой», «Оқ чинни», «Куба қироли» каби навлари етиштирилади.

## Тарвузнинг хосиятлари

да қилади. Уруғидан тайёрланган дори офтобдан куйганга ишлатилади. Тарвузнинг ҳатто пўчоғи ҳам кони фойда. У қовуқдаги тош, ўт пуфагидаги тошни нуратишда яхши омил ҳисобланади.

Тарвуз пўчоғи халқ табобатида колит (йўғон ичак яллиғланиши)да эм бўлади. Бунда офтобда қуритилган тарвуз пўчоқларини майдалаб, устига ярим литр қайноқ сув қўйилади. Сўнгра соvuтилган ҳолда кунига 4-5 маҳал 50 мл дан ичилади.

Тарвуздаги дармондорилар темир моддаси борлиги учун танада энгил ўзлаштирилади. Шу боис камқонликка чалинган беморларга маъжам бўлади. Улар тарвузни бир килограмдан кунига 4-5 марта истеъмол қилишлари даркор. Бунда бемор ҳар сафар бир грамгача темир моддасини қабул қилади. Тарвуз танани магний моддасига тўйинтиради. Бу эса асаблар таранглигида даво бўлади.

Тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари меъёрида истеъмол қилинмаса, қайт қилиш, қорин

оғриқ каби нохуш асоратларни келтириб чиқаради. Шу билан бирга, неврит, пиелонефрит хасталикларида ҳам уни истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Бизда ташлаб юбориладиган тарвуз уруғи чет элда, айниқса, Хитойда аънанавий таом сифатида қадрланади. Улар тарвуз уруғини овқатдан кейин, чой ичиш пайтида, телевизор қаршида ёки дўстлари билан суҳбат чоғида истеъмол қилишади.

Хитой табобатида тарвуз уруғидан қабзият ва ичак хасталикларини даволашда фойдаланилади. «Гўшти» қисми жигарни ёғ босишдан асрайди, иммунитетни кучайтиради. Лейкоцитлар шаклланишида фойда беради.

Ҳомиланинг нормал ривожланиши, бенуқсон туғилишида тарвуз таркибидаги фолий кислотасининг аҳамияти беқиёс. Тарвуз қора нон билан ейилса, оздирувчи хусусияти намоеён бўлади. Бунда бир ой мобайнида тарвузни 2 килограмгача 5 маҳал ейиш керак. Бу даволаш муолажаси танада моддалар алмашинувини яхшилайдди. Овқат ҳазм


қилиш тизими учун фойдали.

Тарвузни урганингизда тиник, акс-садо берувчи товуш эшитилса, пишган бўлади. Пўстидаги сарғиш доғ изларидан ҳам буни билиш мумкин. Палақдан узилган жойи — банди (халқ тилида думи) сарғиш рангдаги тарвузни танлаш даркор. Яшил бандлиси пишмасдан аввал узилган бўлади.

Ранги тиник, ялтираб турган тарвузнинг ўртача катталикидагисини олиш керак. Чунки каттаси кўп дори еган, кичиги эса ҳали пишиб етилмаган бўлиши мумкин. Агар тарвузнинг таъми нордон бўлса, захарланиш мумкин.

Ички томонида сарғиш доғлар бўлса, унга кимёвий ўғитлар солинганидан далолат беради. Бу ҳолда тарвузни истеъмол қилмаслик керак. Уни совуқ сувда, кейин истеъмол содаси солинган эритмада, сўнг яна совуқ сувда обдон чайгандан кейин кесиш тавсия этилади.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**  
доришунос



**Бу касаллик аввал «титроқ фалажлик» деб номланган. 1817 йили инглиз шифокори Жеймс Паркинсон уни батафсил баён қилган. Кейинчалик хасталик унинг фамилияси билан аталадиган бўлди.**

## Паркинсон

### касаллиги ёки қалтираган қўллар

Баъзида қўли титраб, боши чайқалиб турган кишиларга дуч келамиз. Бундай ҳолат кўкрак умуртқаси остеохондрозда, қалқонсимон без хасталиги, қондаги қанд миқдорининг кескин пасайиши, шу билан бирга, дориларнинг узоқ вақт қўлланиши оқибатида рўй бериши мумкин.

Қўлнинг қалтираши гипогликемия синдроми бўлиб, узоқ вақт парҳез тутиши натижасида ҳам келиб чиқади. Шунингдек, кучли жисмоний меҳнатдан кейин ҳам бу ҳолат кузатилиши мумкин. Бунда қонга юқори миқдорда адреналин ажралиб чиқади, бу эса қондаги қандни парчалаб юборади. Кўпинча бундай ҳолат соғлом одамларда кузатилади. Уни бартараф қилиш учун қанд, шоколад ёки асал билан бир пиёла чой ичса кифоя. Қўлнинг титраши кучли кўркиш, асаб чарчаши, руҳий зўриқишда кўпроқ кузатилади. Бу физиологик ҳолат организмга салбий таъсир кўрсатишга қодир эмас.

Паркинсонизм эса марказий асаб тизими хасталиги бўлиб, ҳаракат фаоллигининг сусайи-

ши, титроқ, мушак тонусининг ошиши билан намоеён бўлади. Бунда бош миянинг пўстлоқ ости тугунлари зарарланади.

Кексаларда қўлнинг титраши паркинсон касаллигининг биринчи белгиси бўлиб, одатда, мушак ва асаб тўқималаридаги қон айланишининг бузилишидан келиб чиқади. Одам кексайгани сари қон томирлари эластиклигини йўқота бошлайдди. Тунда қўлнинг қалтираши кузатилмайдди, чунки бу вақтда асаб тизимининг кўзғалиши кескин пасаяди.

Тиббиётда паркинсонизмга олиб келадиган омиллар ҳали тўла аниқланмаган. Лекин бу касаллиқнинг пайдо бўлишига ирсий омиллар, кимёвий моддалардан захарланиш, бош мия атеросклерози, ўсмалар, калла суюгининг турли даражадаги шикастланиши, раунатин, трифтазин, аминазин препаратларини узоқ вақт, кўп миқдорда қабул қилиш, иммунитет пастлиги туртки бўлиши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, касаллик одатда 50 ёшдан

ошганлар, айниқса, эркакларда кўп учрайди. Албатта, хасталик секин-аста ривожланади, бемор кўпинча бунга аҳамият бермайди, даволанмайди.

Хасталик бошланишида бемор яхши қадам қўя олмайгани, оёқлари ҳар ёққа кетиб қолаётганидан шикоят қилади. Секин-аста титраш, қалтираш қўшилади. Бундан бемор сиқилади, руҳан кўп куч сарфлайди, тўғри юришга ҳаракат қилади, лекин оёқ-қўллар унга бўйсунмайди. Бундай жисмоний етишмовчилик унга салбий таъсир кўрсатади. Бемор депрессияга тушади, ҳаётга қизиқиши йўқолади. Нутқи бузилади, қўл-оёқда ҳимоявий жавоб ҳаракати йўқолади.

Касаллик ривожланиши билан титраш кучаяди, бемор бу ноқулайликларга анча ўрганиб қолади, мослашади, ўзини жисмоний ва руҳий зўриқишлардан асрайди.

Касаллик тўрт босқичда кечади. Бошланиш даврида беморнинг оёқ-қўлидан фақат битаси гоҳида қалтирайди. Бу

ҳаяжонланганда кучаяди. Бемор ўз иродасини бир жойга тўплаб қалтирашни тўхтатишга уринади. Лекин...

Иккинчи босқичда зарарланган томонда қалтираш кучайиб, мушакларнинг қотиши кўзга ташланади. Илгари титроқни иродаси билан боса олган бемор энди буни эплай олмайди. Оёғини судраб юради, овози бўғилади. Кўпинча қўли титраганда ушлаган нарсаларини тушириб юборади.

Учинчи босқичда беморга бир қараб ташхис қўйиш мумкин. Қўл-оёқнинг қалтираши, бошнинг қимирлаши кузатилади. Йиқилишдан қўрққан ҳолатда бемор ҳаракатни камайтиради, кўпинча бир жойда тўхтаб қолади, овози бўғилади. Ўтириб-туришга қийналади, ёрдамга муҳтож бўлиб қолади. Терлаш, сўлак оқиши характерли белгига айланади.

Сўнгги босқичда бемор ётиб қолади. Узоқ давом этган ҳаракатсизлик унинг қўл-оёқлари шаклини ўзгартиради, сўзларини тушуниб бўлмайди. Ютиниш-

га қийналгани сабаб овқатланишга қийналади.

Дори воситалари касаллиқнинг илк босқичида қўлланилади. Паркинсонизм зўрайиб, препаратлар ёрдам бермаса, жароҳлиқ усули ишлатилади. Касалликни тўла-тўқис даволаш мумкин эмас, балки хасталиқнинг белгилари ва зўрайишини тўхтатиш мумкин.

Бошнинг титраши кўпинча миянинг шикастланиш аломатидир. Бундай ҳолда биринчи навбатда асосий касалликни даволаш яхши самара беради.

Шунингдек, қўл-оёқ, юз ёки тананинг ярмиси титраса, хушёр тортиш керак. Бу физиологик ҳолат эмас, балки патологик омил — қандайдир касаллик натижасида пайдо бўлади. Зудлик билан беморни шифокорга кўрсатиш талаб қилинади.

Шифокор тавсия қилган препаратлар, гиёҳлар билан бирга бадантарбия машқлари ҳам яхши самара беради. Таъкидлаш керакки, бемор серҳаракат бўлса, тўйиб ухласа, касаллик зўраймайди.

Қуйидаги машқларни эрталаб тез, кечқурун секин бажариш лозим.

Қўлни мушт қилиб, бўшаштиринг.

Ўнг тиззани 3-5 сония букиб туринг. Кейин секин олдинга узатинг. Дастлабки ҳолатга қайтинг, оёқни алмаштириб, машқни давом эттиринг.

Мияда қон айланишини яхшилаб, бош титрашини йўқотиш учун кунига 2-3 марта нафас машқларини бажаринг. Стулда ўтириб қўлингизни қорнингизга қўйинг. Аста-секин бурундан нафас олинг. Бунда кўкрак қафаси қандай кенгаётгани, қорин катталашганига эътибор беринг. Кейин шошилмай бешгача санаб, шамни ўчирган каби нафас чиқаринг.

Ўйинчоқ кубикларни йиғиш, мозаика териш ҳам фойдалидир. Машқлар тамом бўлгандан сўнг илиқ душ қабул қилиш керак.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**  
тиббиёт фанлари доктори,  
профессор



### Касаба уюшма тадбири

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилоятидаги вакиллиги томонидан «Гулистон» Марказий ўйингоҳида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш мақсадида тармоқда ишловчи аёллар ўртасида волейбол бўйича мусобақа ўтказилди.

## Оммавийликка хизмат қилди

Мурасасиз кечган баҳсларда 8 туман, учта шаҳар, ОАТБ «Агробанк» вилоят бошқармаси, вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли тиббиёт бўлими жамоалари ўз маҳоратини намойиш этди. Умумжамоа ҳисобида давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Янгиер шаҳар кенгаши биринчи, Гулистон тумани кенгаши иккинчи, Боёвут тумани кенгаши учинчи ўринни эгаллади. Фолиб ва сов-

риндорлар вилоят вакиллигининг қимматбаҳо совғалари ва дипломлари билан тақдирланди.

**Ф.ЖУМАБЕКОВ,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилояти вакиллиги ташкилий ишлар бўйича етакчи мутахассиси


## Сарҳисоб

Қашқадарё вилоят алоқа корхоналари ўртасида бўлиб ўтган тармоқ спартакиадаси ёшлар учун ўзига хос кўрик вазифасини ўтади.

ТАТУнинг Қарши филиали, радио-телевизион маркази, 8-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси, ЎЗИ-Қарши, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбектелеком» АКнинг вилоят филиаллари жамоалари стол тен-

ниси, шахмат, шашка ҳамда қизиқарли эстафеталарни ўз ичига олган кўпураш спорт турлари бўйича майдонга чиқишди.

Фолиб ва совриндорлар муносиб рағбатлантирилди. Мақсад — ёшларимизни спортга янада кенгроқ жалб



қилиш эди, ўйламанки, биз бунга эришдик, — дейди вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Кўчқор Каримов.

**А. АКМАЛОВ**

### «Toshkent Open — 2010»

## Қизгин палла

Республика Олимпия захиралари теннис мактабида хотин-қизлар ўртасида «Toshkent Open — 2010» анъанавий халқаро теннис турнири давом этмоқда.

лар баҳсида руминиялик Александра Дулгеру япониялик Куруми Нарани 6:2, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Яна бир руминиялик теннисчи Моника Никулеску қозоғистонлик Зарина Диасдан 6:3, 6:7, 6:2 ҳисобида устун келган бўлса, АКШ вакиласи Жиль Крайбас қирғизистонлик Ксения Палкинани 6:2, 6:3 ҳисобида енгди.

Шунингдек, словакиялик Магдалена Рибарикова, украиналик Олга Савчук,

россиялик Анна Чакветадзе, Александра Панова, Алла Кудрявцева, италиялик Мария Елена Камерин, белоруслик Дария Кустова навбатдаги босқичга йўл олди.

Мусобақанинг жуфтликлар беллашувларида россиялик Мария Кондратьева ва франциялик Софи Лафьер дуэти Лесия Цуренко (Украина) ва Екатерина Жехалевич (Беларус) жуфтлигини 6:3, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратди.



Ўндан ортиқ давлат ракетка усталари қатнашаётган мусобақанинг яққалик-

## Вояга етмаганлар ўртасида

### Каратэ



Юқоричирчиқ туманидаги 31-умумтаълим мактабида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида вояга етмаган ёшлар ўртасида спортнинг каратэ тури бўйича мусобақа ташкил этилди.

Ушбу мусобақа ХДП туман кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими, «Нуроний» жамғармаси ҳамда «Истиклол» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамкорлигида уюштирилди. Мусобақада «Истиклол» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли бўлган «Хитойтепа», «Дўстлик», «Марказий» маҳалла-

ларида яшовчи 60 нафар вояга етмаган ёш ўзаро голиблик учун курашди.

10 нафар ёшга фахрли биринчи ҳамда 20 нафарига эса рағбатлантирувчи ўринлар берилди.

**Латифжон МАНСУРОВ,**  
Юқори Чирчиқ тумани Кавардон қишлоғи

### Истиқлол берган имконият

## Ёшларга совға

Қамаши тумани Қорақўтон қишлоғидаги 32-ўрта мактаб ўқувчилари янги ўқув йилини кўтаринки руҳда кутиб олишди. Чунки бу ерда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан замонавий спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Мактабимизда 237 нафар ўқувчи таҳсил олади, — дейди таълим маскани раҳбари Жўра Худойбердиев. — Май ойида бошланган қурилиш ишлари 25 августда ниҳоясига етказилиб, ҳар томонлама қулай спорт зали ўғил-қизларимизга тўхфа этилди.

**Акмал АБДИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири



## Вакилларимиз зафари


Ҳамюртимиз, энг кучли ракетка устаси Денис Истомин Францияда бўлиб ўтаётган Опен де Моселле — 2010 халқаро теннис турнирининг дастлабки учрашувида ғалаба қозонди.

Истомин мезбон теннисчи Флоран Серрага қарши кортга чиқиб, учрашувни 6:4, 6:4 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этди. Энди у испаниялик Томми Робредо билан куч синашди.

Мисрда давом этаётган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалар тақвимида жой олган ўсмирлар ўртасидаги халқаро турнирда яна бир иқтидорли теннисчимиз Азиз Йўлдошев

дастлабки учрашувда мисрлик Шариф Аборага қарши 4:6, 6:2, 6:4 ҳисобида мағлуб этди.

Тажрибали теннисчимиз Мурод Иноятов эса Эронда давом этаётган «Фьючерс» турниридаги халқаро турнирнинг жуфтликлар беллашувида украиналик Иван Аниканов билан ҳамкорликда италиялик Моттео Марфия ва Лука Роветта жуфтлигини 6:3, 6:3 ҳисобида доғда қолдирди.



## Ғалабали одимлар

Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати олий лигасининг йигирманчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилаётган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси Фарғонада «Нефтчи» футболчилари меҳмони бўлиб, 3:0 ҳисобида зафар қучди. Учрашувда Темур Копадзе дарвозани аниқ нишонга олган бўлса, ёш ҳужумчи Анвар Ражабов «дубл»га эришди.

«Пахтакор» футболчилари ўз майдонида «Хоразм»дан 3:0 ҳисобида устун келди. Турнир жадвалининг сўнгги поғонасидан жой олган урганчиликлар дастлаб ҳужум-


кор ўйин кўрсатган бўлса-да, лекин биринчи бўлим ярмига келиб, устунлик тўла мезбонлар томонига ўтди ва Алишер Азизов «Хоразм» дарвозасига тўп киритди. Иккинчи бўлимда урганчилик ҳимоячиларнинг бўш ўйинидан унумли фойдаланган Илҳом Суюнов ва Александр Гейнрих биттадан голга муаллифлик қилди.

Яна бир қизиқарли учрашув Қаршида бўлиб ўтди. Бронза медалига асосий даъвогар ҳисобланган «Насаф» футболчилари ўз май-

донида «Навбахор» (Наманган) жамоасини қабул қилиб, мавсумдаги ўнинчи ғалабасини нишонлади. Баҳсининг 36-дақиқасида Мақсуд Каримов ва Анвар Солиев уюштирган комбинацияни муваффақиятли яқунлаган Шавкат Саломов «Навбахор» дарвозасига ғалаба тўпини киритди — 1:0.

Миллий чемпионатимизнинг йигирманчи тури қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» (Зарафшон) — «Динамо» (Самарқанд) 3:1, «Локо-

### Футбол




мотив» (Тошкент) — «Андижон» (Андижон) 2:0, «Шўртан» (Ғузор) — «Олмалиқ» (Олмалиқ) 5:3, «Металлург» (Бекобод) — «Машъал» (Муборак) 1:0.

Турнир жадвалида Тош-

кентнинг «Бунёдкор» жамоаси 54 очко билан етакчиликни қўлга олган бўлса, пойтахтнинг яна бир номдор жамоаси «Пахтакор» ҳисобида 46 очко, «Насаф» клубида эса 36 очко мавжуд.


## Жиноий гуруҳларга тегишли эмас

Италиянинг Калабрия вилоятидаги Жойа Тауро портида божхоначилар томонидан катта миқдорда портловчи модда мусодара қилинди. Маҳаллий ОАВда хабар қилинишича, тахминан етти тонна гексоген моддаси қуруқ сут маҳсулотлари ташишга мўлжалланган контейнерда олиб кетилаётганда қўлга олинган.



Гексоген саноатда қўлланиладиган кучли портловчи модда бўлиб, у, асосан, детонаторлар тайёрлашда ишлатилади. Мазкур иш билан шуғулланаётган қонун ҳимоячилари қўлга олинган модданинг бирор жиноий гуруҳга тегишли эканлигига шубҳа билан қарашмоқда. Воқеанинг бошқа тафсилотлари ҳозирча ошкор қилингани йўқ.


Сешанба кuni Тинч океанида кўтарилган «Жоржет» тропик тўфони 22 сентябр кuni Мексика қирғоқларида етди. Оқибатда мамлакат шимолидаги Куйи Калифорния штати ва асосан, унинг курорт ҳудудларида кучли ёгингарчиликлар бошланди.



## «Жоржет» Мексика қирғоқларида

Вайронагарчилик ва ҳалок бўлганлар ҳақида маълумотлар йўқ. АҚШ метеорологларининг хабар қилишича, пайшанба кuni «Жоржет» материк ичкарисига қараб ҳаракатланади ва аста-секин пасая бошлайди. Тўфон сабабли яна кучли ёгингарчиликлар бўлиши кутилади.

Жорий мавсум Мексикада кейинги ўн йил давомидаги энг серёғин вақт бўлди. Ёзнинг бошидаги жала оқибатида содир бўлган тошқин оқибатида ўнлаб кишилар ҳаётдан кўз юмган эди.



Хусусан, 250 тонна сарёғ, 460 тонна ўсимлик мойи, 500 тонна қанд, 300 тонна гуруч ва 300 тонна макарон маҳсулотлари ажратилади.

Нархлар маҳсулотларни сақлашга сарфланган харажатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Москвада 500 та иж-

## Резерв фондидан 500 тонна қанд

Москва мэрияси шаҳардаги ижтимоий дўконларга захира фондидан бир қатор маҳсулотлар ажратилиши ҳақида қарор қабул қилди.

тимоий дўкон мавжуд. Уларнинг бошқа дўконлардан фарқи имтиёзга эга фуқароларга маҳсулотларни арзон нархда сотишидир.

Бундай қарорнинг қабул қилинишига қурғоқчилик оқибатида мамлакатда шу турдаги товарлар нархининг ошиб кетиши сабаб бўлди.

## Ўсимликлар

### Олами «Тозаланди»

Биологлар бугунги кунда маълум бўлган гулловчи ёки фанда ёпиқуруғ-лилар деб аталувчи ўсимликлар тури рўйхатини икки бараварга — 600 мингга қисқартиришди. Ушбу «тозалов» тадқиқоти ҳақидаги тўлиқ маълумот шу йилнинг охирида эълон қилиниши кутилмоқда.

Биологияда, асосан, ботаника фанида олимлар у ёки бу организмни кашф қилар экан, ҳамкасбларининг шу соҳадаги изланишлари натижаларидан беҳабар ҳолда унга турли номлар ўйлаб топишди. Натижада ўсимлик ва ҳайвонлар рўйхатида


кўплаб такрорлар пайдо бўлади.

Тадқиқот муаллифлари бугунгача маълум бўлган гулли ўсимликлар рўйхатини уч йил давомида «тозалашди». Бу иш бажарилгунигача қадар бундай ўсимликлар тури миллиондан ортиқ ҳисобланар эди.

Аниқланишича, ҳақиқатда уларнинг тури 400 атрофида бўлган.

Турли номдаги бир хил ўсимлик ва ҳайвонлар нафақат уларни синфлаштиришда, балки ботаникларнинг унумли ва сифатли ишлашида ҳам қийинчилик туғдирарди. 2009 йилда

динозаврларни ўрганаётган тадқиқотчилар гуруҳи шундай хатоликлар ҳақида хабар қилган эди. Мутахассисларнинг фикрича, худди шу сабабга кўра, бугунгача аниқланган динозаврларнинг учдан бири аслида мавжуд эмас.




## Уайклеф Жин президент сайловларида қатнашмайди

Рэн-қўшиқчи Уайклеф Жин Гаити президентлиги сайловларида қатнашмаслигини баён қилди, деб хабар қилади CNN.

Кўшиқчи ўз номзодини қўйишини шу йилнинг 5 августида эълон қилган эди. Аммо икки ҳафтадан кейин Жиннинг номзодлар рўйхатига кирмагани маълум бўлди. Бунга эса унинг сўнгги йилларда АҚШда истиқомат қилгани сабаб қилиб кўрсатилган эди. Амалдаги қонунларга кўра, мамлакат президентлиги вазифасига Гаити ҳудудида сайловдан олдин камида беш йил яшаган фуқаро даъвогарлик қилиши мумкин.

Жиннинг адвокати эса мижозининг ушбу беш йил давомида Гаити ҳазинасига ўз вақтида барча солиқларни тўлаб келганини далил сифатида келтирмоқда. Бундан ташқари, 2007 йилда мамлакат президенти Рене Превал кўшиқчини алоҳида топшириқлар бўйича элчи қилиб сайлаган ва бу унга қонуний равишда хорижга чиқиш ва яшаш имконини берган.

Кўшиқчининг таъкидлашича, сайловда қатнашишдан воз кечиш унга осон бўлмаган. Шунингдек, у энди бутун диққатини мусиқага қаратмоқчи.



## Делфинлар ўз жонига қасд қилмоқда

Янги Зеландиянинг шимолий қисмидаги пляжда 74 та гринд (делфинлар оиласига мансуб сут эмизувчилар) қирғоққа ташланди. Улардан 25 таси ҳалок бўлган. Жониворларнинг қолган қисмини кўнсиллилар қутқаришга ҳаракат қилишмоқда. Яна элликта делфин қирғоқ ёқалаб сузиб юрибди. Хабарларга кўра, уларнинг ҳам ўз жонига қасд қилишга урилиши хавфи бор.

Қирғоққа отилган жониворларни тушга яқин мамлакатнинг шимолий қисмидаги «Spirits Bay» пляжида топиб олишган. Энди кўнсиллилар уларни океанга қайтариш ишлари бошлангунигача қадар сабр қилишлари керак. Тўфон сабабли ҳозир бунинг иложи бўлмапти.

«Associated Press» агентлиги маълумотларига қараганда, бу гриндларнинг сўнгги икки ой давомида иккинчи марта оммавий равишда ўз жонига қасд қилиши. Август ойининг ўрталарида ҳам 58 та жонивор ўзини қирғоққа отган ва фақатгина 9 таси қутқариб қолинган эди.

Янги Зеландия кит ва делфинларнинг ўз жонига қасд қилиши бўйича биринчи ўринда туради. Улар асосан Антарктика сувларига кўчиш даврида мамлакат қирғоқларида ташланишади. Бундай даврлардан бири сентябр ойига тўғри келади. 1840 йилдан буён Янги Зеландия қирғоқларида жами беш мингдан ортиқ кит ва делфин ҳалок бўлган.

Олимлар ҳозиргача сув сут эмизувчиларининг ўз жонига қасд қилиши сабабини билишмайди. Тадқиқотчиларнинг тахминича, бунга ҳарбий кемаларнинг сонар қурилмалари, океанларнинг ифлосланиши ва магнит бўронлари сабаб бўлиши мумкин.

## Ҳакам гиёҳванд модда билан тутилди

Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди номидаги аэропортда эквадорлик футбол ҳаками 4,5 килограмм героин билан қўлга олинди. Хабар қилинишича, текширув пайтида наркотик солинган халтачалар ҳакамнинг танаси ва оёқларига боғланган ҳолда бўлган.

2002 йил футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилган Байрон Морено Нью-Йоркка Эквадордан учиб келган. Аэропорт маъмуриятининг

Бруклин судига тақдим қилган ҳужжатларида ёзилишича, текширув пайтида Морено асабийлашган ва бу текширувчилар диққатини тортган.

Ҳозир ҳакам наркотик моддалар контрабандаси билан айбланиб, судгача гаров эва-



зига озод қилиниши тақиқланган ҳолда қамоқхонада сақланмоқда.

Интернет хабарлари асосида Ж. ЮНУСОВ тайёрлади

## Тузатиш

Мазкур газетанинг 2010 йил 9 сентябрдаги 112-сонида чоп этилган «Poxtaxt Auktion» ДУК томонидан берилган эълонда Тошкент давлат техника университетига қарашли бўлган 1999 й. и/ч ГАЗ-3110 русумли автотранспорт воситаси давлат рақами 10 АТ027 деб ўқилсин.

